

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«ВИНОШУНОСЛИК ВА ИЧИМЛИКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент 2018

*Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
201__ йил “__” _____даги __ -сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув
режса ва дастур асосида тайёрланди.*

Тузувчилар: **Абдуллаев У.К** - Тошкент кимё-технология институти,
“Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси” кафедра
мудири, доценти, т.ф.н.;
Абдуллаева Б.А. Тошкент кимё-технология институти,
“Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси” кафедраси
доценти, т.ф.н.;
Закирова М.Р.- Тошкент кимё-технология институти,
“Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси” кафедраси
доценти, т.ф.н.

*Ўқув -услубий мажмуда Тошкент кимё-технология институти
Кенгашининг 201__ йил “__” _____даги __ -сонли қарори билан
нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ	17
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	60
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	73
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	74
VII. ГЛОССАРИЙ.....	76
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	85

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу “Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари” фан дастурида, асосий эътибор вино, пиво, алкогизиз ичимликлар ва озуқавий спирт ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари, ноанъянавий қандли хом ашёларга ишлов бериш технологияси, хом винога ишлов бериш технологияси ҳамда тайёр маҳсулотлар сифатини назорат қилишга қаратилган.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

“Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, фаннинг вазифалари, уларнинг замонавий ҳолати истиқболлари ва

муаммолар, ўқитиши жараёнини самарали ташкил этиши ва бошқариш бўйича мавжуд билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

“Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари”

модулининг вазифалари:

-ўқув жараёнини ташкил этиши ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;

-тингловчиларда модулли-кредит тизими, case study (кейс стади)лардан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

-тингловчиларда “Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари” фанини ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий таълим технологияларини лойиҳалаш ва режалаштиришга доир лаёқатларини ривожлантириш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари ҳамда унинг мақсад ва вазифалари;
- вино ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари;
- солод ва пиво ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари;
- спирт ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари;
- алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари ҳақида **билимларга эга бўлиши.**

Тингловчи:

- Вино, спирт, пиво ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш;
- Вино, спирт, пиво ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда инновацион таҳлил усусларини жорий қилишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
- Вино, спирт, пиво ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда инновацион таҳлил усусларини жорий қилишда замонавий лаборатория жиҳозларининг имкониятларидан фойдаланиш;
- Сифатли ичимликлар ишлаб чиқариш учун тадбиқ қилинаётган микробиологик усусларнинг режимларини ростлаш;
- Замонавий таҳлил усусларини маҳсулотларнинг турига қараб танлаш

кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- Вино, спирт, пиво ва алкогиз ичимликлар сифатини тахлил қилишда замонавий усулларни танлаш ва жорий қилиш;
- Интернет тизимидан вино, спирт, пиво ва алкогиз ичимликлар замонавий тахлил услубларини излаб топиш ва уларни муайян турдаги маҳсулотлар тахлилига тавсия қилиш;
- Вино, спирт, пиво ва алкогиз ичимликлар ишлаб чиқариш корхона мутахассислари билан технологияларнинг ўзига хос жиҳатларини муҳокама қилиш;
- жорий қилинган замонавий тахлил усулларини аниқлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- замонавий тахлил усулларининг имкониятларини намойиш қилиш тамойилларини ажратиб қўрсата олиш;
- маҳсулотларни турига қараб тахлил усулларини ўрнини ва уларнинг характеристикаларини фарқлаш;
- тахлил усулларини афзаллик ва камчиликларини кўрсатиб бериш;
- вино, спирт, пиво ва алкогиз ичимликлари сифатини тахлил қилишда ахборот технологияларини қўллаш;
- вино, спирт, пиво ва алкогиз ичимликлари ишлаб чиқарувчи компанияларга мурожаат қилишда инновацион технологияларга оид маълумотларни тўғри кўрсатиб бера олиш каби **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари” модули озиқ-овқат соҳаси мутахассислари учун асосий фанлардан бири ҳисобланади. Ушбу модул “Озиқ-овқат кимёси”, “Озиқ-овқат хавфсизлиги”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялари”, “Озиқ-овқат маҳсулотларнинг замонавий таҳлил усуллари” модуллари билан чамбарчас боғланган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари” модули қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» мутахассислиги бўйича маҳсус модуллардан дарс берувчи профессор ўқитувчилар учун муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу модул Олий таълим муассасаларида талаба ва педагоглар томонидан ўқув-илмий ишларини олиб бориш учун асосий назарий ва амалий билимларни беради.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Жами	Аудитория ўқув юкламаси		Кўчма машғулот	Мустақил таълим
		Назарий машғулот	Амалий машғулот			
1	Вино ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари <i>Виноларни органолептик синаши (дегустация)</i>	6	2	2	2	
2	Пиво ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси	4	2			2
3	Спирт ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси <i>Спиртни сифат кўрсаткичларини аниqlashi</i>	4	2	2		
4	Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш технологияси	2	2			
Жами		16	8	4	2	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 – мавзу: Вино ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари. Вино ишлаб чиқариш технологиясида Ватанимиз ва чет эл олимлари томонидан эришилган ютуқлар асосида инновацион янгиликларнинг киритилиши. Оқ ва қизил нордон винолар, ним нордон ва ним ширин винолар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари ҳамда шу соҳадаги илғор агротехника ютуқлари. Ўзбекистон виночилик маҳсулотларининг Халқаро кўриклардаги ютуқлари.

2 – мавзу: Пиво ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси.

Пиво тайёрлашда қўлланиладиган хом ашёлар. Пивобоп арпа навлари, уларнинг кимёвий таркиби. Арпани тозалаш ва саралаш. Арпани бўктириш ва ундиришнинг замонавий услублари. Қуритиш жараёнида ҳароратни ўзгаришини солод сифатига таъсири. Пиво шарбатини тайёрлаш ва бижғитишнинг замонавий технологиялари. Пивони етилтириш ва сақлаш. Пиво ишлаб чиқариш принципиал технологик тизими.

3 – мавзу: Спирт ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси.

Спирт ишлаб чиқариш технологиясида Ватанимиз ва чет эл олимлари томонидан эришилган ютуқлар асосида инновацион янгиликларни киритилиши. Ноанъанавий хом ашёлардан этил спирти олишнинг инновацион технологиялари. Юқори сифатли этил спиртини олишда замонавий брагоректификацион қурилмаларни қўлланилиши.

4 – мавзу: Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш технологияси

Алкоголсиз ичимликлар тавсифи. Асосий кўрсаткичлари. Алкоголсиз ичимликларни синфланиши. Уларга қўйиладиган талаблар. Инверсия жараёни. Сатурация жараёни. Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш технологияси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот

Виноларни органолептик синаш (дегустация)

Виноларни дегустация асосларини ўрганиб, унинг органолептик кўрсаткичлари ҳақида хулоса чиқариш ва сифатини аниқлашни ўрганиш.

2-амалий машғулот

Спиртни сифат кўрсаткичларини аниқлаш

Озуқавий этил спиртни сифатини Савал синови – сулфат кислота билан ва Ланга синови - оксидланиш синови ёрдамида аниқлашни ўрганиш.

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- мини-маърузалар ва сухбатлар (диққатни жалб қилишни ўрганишини шакллантиради, маълумотларни қабул қилиш, қизиқувчанликни оширади);
- дидактив ва ролли ўйинлар, давра сухбати;
- баҳс ва мунозаралар (аргумент ва исботларни келтириш шунингдек эшитиш ва тинглаш қобилиятларини ривожлантиради);
- тренинг элементлари (позитив муносабатларни ва эмоционал кўнгилчанликни ривожлантиради).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириклари	2.5	1.5 балл
2	Мустақил иш топшириклари		1.0 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кластер” методи


“Кластер” методи ўргангандан мавзу бўйича ўзлаштирилган материалларни умумлаштириш, тушунчалар ўртасидаги алоқадорликларни ўрнатиш, олинган билимларни хотирада узоқ вақт давомида сақлаш имкониятини беради. Бу метод ёрдамида фан бўйича ўзлаштирилган билимлар бир тизим сифатида шаклланади, нарса, ходиса ва жараёнлар ўртасидаги алоқадорликлар аниқланади, таълим олувчиларнинг қизиқишлари ортади, янги ғоялар вужудга келади.

“Кластер” методидан озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологиясига оид тушунчалар, қонуниятлар, микробиологик жараёнлар, озиқа материаллари, маҳсулот турлари ва технологик жараёнларнинг моҳиятини очиш ва уларни тоифалаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчи томонидан тайёр ҳолда тақдим этилган “Кластер” тингловчиларга мавзу бўйича янги маълумотларни осон тарзда ўзлаштирилиши учун ёрдам беради, катта хажмдаги маълумотларни боғлам тарзida ихчамлаштирилган ҳолда намойиш этиш имкониятини яратади.

“Кластер” методи тингловчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ва аниқ фикрларни эркин ва очиқ узвий боғланган кетма-кетликда тармоқлашга ўргатади.

Намуна: “Спирт хом-ашёси” сўзига тузилган “Кластер”



“Синквейн” методи

“Синквейн” методи ўқув материали бўйича мустақил фикр юритишга иборалар такрор ишлатилмаса, тингловчиларнинг фикрлаш доираси янада кенгаяди.

“Синквейн” методидан фойдаланиш нисбатан қулайдир. Чунки у тайёргарлик кўриш ва ижро учун ҳам қўп вақтни талаб этмайди. Ушбу методни якка тартибда ва жамоавий тарзда бажариш ҳам яхши натижаларга олиб келади. Шу сабаб, ушбу методдан барча турдаги машғулотларда фойдаланиш мумкин.

“Синквейн” методи ёрдамида озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тушунчалар, қоидалар, жараёнлар, технологик ечимлар, маҳсулот турлари, технологик параметрлар, ускуна ва жихозларнинг мазмунига чуқур кириб бориш, уларнинг моҳиятини очиш, пухта ва мукаммал ўзлаштириш, бир қатор жихатларини аниқлаш, уларга ҳар томонлама таъриф бериш мақсадида фойдаланиш мумкин, у талabalарда мустақил фикр юритиш кўнималарини шаклланишига олиб келади. “Синквейн” методини қўллаш технологияси

бир объект бўйича кўп сонли “Синквейн” намуналарини тузиш учун имконият яратади, уларда сўз ва иборалар такрор ишлатилмаса, талабаларнинг фикрлаш доираси янада кенгаяди.

“Синквейн” методидан фойдаланиш нисбатан қулайдир. Чунки у тайёргарлик кўриш ва ижро учун ҳам кўп вақтни талаб этмайди. Ушбу методни якка тартибда ва жамоавий тарзда бажариш ҳам яхши натижаларга олиб келади. Шу сабаб, ушбу методдан барча турдаги машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Намуна: “Бактериялар” сўзига тузилган “Синквейн”

1. Бактериялар
2. Шарсимон, таёқчасимон ва буралган формали
3. Бўлиниб кўпаяди
4. Иссиқда ҳам, совуқда ҳам я оладилар
5. Касал келтиради

1. Бактериялар
2. Қулай шароитда тез кўпаяди
3. Спора ҳосил қиласи
4. Ҳамма ерда учр
5. Патоген

1. Бактериялар
2. Озиқ-овқат маҳсулотларини айнитади
3. Ҳаракат қиласидиган ва ҳаракат қиласидиган турлари мавжуд
4. Спораси 100 йил ҳам сақланади
5. Озиқ-овқат и/ч ва фарм саноатда кенг қўлланилади

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибida қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижада (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириқни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблиқ иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўкувчиларга методик кўрсатмалар

Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1. Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.
2. Вазиятдан кейинги саволларга жавоб беринг.
3. Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қўйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:
 - “Д” (далил) ҳарфи – (шилимшиқ пайдо бўлиши, овқатнинг мазаси бузилиши)

“С” (сабаб) ҳарфи–муаммонинг келиб чиқиши сабаблари: микроорганизмлар кўпайиши, кун иссиқлиги).

“М.Е.” (муаллиф ечими) ҳарфлари–муаллиф томонидан таклиф этилган ечим (“ҳар қандай шубҳани эътиборсиз қолдирма”)

4. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Гурухларда кейс-стадини ечиш бўйича йўрикнома

1. Вазиятлар билан танишиб чиқинг.
2. Гуруҳ сардорини танланг.
3. A1 форматдаги қоғозларда қўйидаги жадвални чизинг ва тўлдиринг.

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллар	Муаммони келиб чиқиши сабаблари	Юзага келган вазиятда қўлланилган ечим	Гурух ечими
1. Винонинг сифати пасайганлиги. 2. Винодан сирка таъми келиши. 3. Винони тановвул қилган инсонда кўнгил айнаши, боши айланиши	1. Бижгиш жараёнини нотўғри олиб борилиши. 2. Технологик жараёнларга ўзгартиришлар киритилиши. 3. Лаборатория текширувларини яхши ва аниқ ўтказилмаганлиги	1. Бижгиш жараёнининг назоратини кучайтириш 2. Лаборатория томонидан текширувларини кенгайтириш	1. Бижгиш жараёнини С.А.Э. ёрдамида ва паст хароратда олиб бориш. 2. Барча технологик жараёнларни инструкцияга асосланиб олиб бориш 3. Лаборатория таҳлилларини аниқ ва замонавий усусларида олиб бориш.

4. Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш

кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Ачитқи ҳужайрасининг цитоплазматик мемранасини хусусиятлари”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий

кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна: “Нордон хом виноларни олиш технологияси ва уни ўзлиги” мавзусида ассесмент намунаси.



Тест

Нордон шаробларни махсуслаштирувчи омиллар?

- а) шарбат қандларини бижғиган даражаси
- б) узум навлари
- в) олтин гугурт
- г) кислород миқдори



Қиёсий таҳлил

Паст ҳароратда ва оддий бижғитиш жараёнларни қиёсланг.



2. Тушунча таҳлили

Спиртли бижғиш жараёни бу – ...



Амалий кўникма

Узум шарбатидаги қанд миқдорини рефрактометрда аниқлаш бўйича

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва хар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалалиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишигана қисмига ёзадилар.

Намуна: Оқ ва қизил нордон виноларга оид “Вени диаграммаси”



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ

Маъруза 1

ВИНО ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Режа

1. Оқ нордон винолар. Замонавий технологияси
2. Ним нордон ва нимширин винолар
3. Қизил хўраки винолар технологияси

Таянч сўзлар: вино ишлаб чиқариш корхоналари, «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси, узумлар нави, бижғиш жараёни, тиндириш, узумни қайта ишлаш линиялари, эгализация, мусаллас, нордон винолар, ним нордон винолар, нимширин винолар, барқарорлик, қизил буёқ моддалар, мезга, мезгада дамлаш, мезгада бижғитиш, экстрактив, бўёқ ва фенол моддалар, мезга, термовинификация, мацерация

Мустакилликдан кейинги даврда жамиятнинг барча жавҳаларида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Шу жумладан, виночилик соҳасида хам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жаҳон талабларига мос ёрлиқлар, тиқинлар, шиша идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Машинасозлик корхоналарида эҳтиёт қисмлар ва мураккаб бўлмаган ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Қисқа қилиб айтганда, виночилик тармоғи учун зарур бўлган ускуналар, озуқавий спирт ва бошқа ёрдамчи материалларни четдан куплаб келтиришга барҳам берилди. Экспорт талабларига мос вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришга шароит яратилди. Нимнордон ва нимширин винолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар пастеризация қилиниб савдога чиқарилди. Бундай виноларни «Меҳнат» агрофирмаси, «Тошкентвино» комбинати, «Мева-шарбат» экспериментал заводи ва шу каби корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Соҳага илғор агротехникаларни олиб келиш мақсадида Франция, Италия ва Германия билан ўзаро хамкорлик ўрнатилди.

Халқаро кўрикларда қатнашган Ўзбекистоннинг виночилик маҳсулотлари куплаб олтин, кумуш медаллари ва дипломларга сазовор бўлдилар.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси таркибига 39 вино қадоқлаш заводлари, бирламчи виночилик билан шуғулланадиган 21 завод, озуқавий спирт ишлаб чиқарадиган 4 завод, алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилувчи 81 улгуржи базалар, вино-ароқ маҳсулотларини истеъмолчига

етказувчи 500 фирма дўконлари, лойиха институти, марказий лаборатория, ҳамда 15 корхона чет эл инвестициялари билан фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда - 21 хил шампан ва газланган винолар, 14 хил конъяк, 253 хил ликёр-ароқ маҳсулотлари ва 130 номда хўраки, қувватлантирилган ва десерт вино маҳсулотлар турлари ишлаб чиқарилади. Республикаизда ишлаб чиқарилаётган умумий алкоголли маҳсулотларнинг 30% ички бозор талабини тўлиқ қондириш учун кифоя қиласи. Шу боис ташки бозорни забт этиш асосий стратегик масала бўлиб қолади.

ОҚ НОРДОН ВИНОЛАР ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Нордон вино таркибида:

1. Этил спирти, x % - 9-14
2. Қолдик қандлилига % - < 0,3
3. Титрланадиган кислоталилик г/дм³ 4-8
4. Учувчан кислоталилик (сирка кислотага ҳисобланганда) гр/дм³ <1,2
5. Олтингугуртни умумий миқдори < 200
эркин холидагиси < 20

Нордон виноларни

Ранги – оч сарик, хашак рангидан, оч тилла, кўкимтири туслари билан

Хушбўйлиги – вино тайёрланган узум навига хос

Таъми – узум навига ва шу вино турига хос, тоза, ёқимли (гармоничный)


Оқ нордон винолар турли ҳил органолептик сифатлари:

Янги узум таъми билан, ёш виноларни қолдик углерод (IV) оқсидини мавжудлиги билан, тўлиқ етилмаганлиги билан характерланади.

Оқ нордон винолар бир ёки бир нечта оқ техник узум навларидан тайёрланади: Алиготе, Рислинг, Совиньон, Фетяска, Траминер, Коқур оқ, Сильванер, Ркацители, Шардоне, Пино оқ ва бошқалар, шунингдек қизил узум навларидан бўялмаган шарбати билан: Пино қора, Каберне-Совиньон ва оқ услубда қайта ишланади. Узумда қанд миқдори титр кислотаси 6–10г/дм³ бўйича 17% дан кам бўлмаслиги керак.

Оқ нордон винолар учун узумнинг оптималь кондицияси: қанд 18– 20%, титрланадиган кислоталаги 7–9г/дм³, бу эса қуввати 11–12x%. бўлган вино олиш имконини беради. Бундай винолар гармонли, микробиологик касалланишга чидамили бўлади, уларда тўлиқ таъми ва юмшоқлигини, кучли ва ёқимли муаттарлигини таъминловчи глицирин ва қаҳрабо кислоталари етарли даражада мавжуд.

Мева ва шингили касалланган бўлса, қайта ишловга берилмайди.



Расм 1. Нордон виноларни тайёрлаш технологияси (а,б,в)

НИМ НОРДОН ВА НИМШИРИН ВИНОЛАР

Ним нордон ва ним ширин мусалласлар қуввати унчалик баланд эмас, 9-14% бўлиб, ним нордон мусалласлар таркибида қанд миқдори 0,5 дан 3% гача, ним ширин мусалласларда эса 3,1-8% гача бўлади.

Мусалласларнинг бу тури шарбат таркибидаги қанд тўлиқ бижғитилмасдан бижғиш жараёни табиий холда ўтади. Уларнинг консервалаш бирлиги 80 дан паст. Шу сабабли улар барқарорликка эга эмас, турли микроорганизмлар, ачитқилар билан тез ифлосланиб бузилади. Шунинг учун бу мусалласлар ишлаб чиқаришда умумий технологик ишловлари билан бир қаторда «биологик барқарорлигини» топиш мақсадида маҳсус ишловлар кузда тутилади.

Ним нордон ва ним ширин мусалласларни ишлаб чиқариш қуйидаги технологик ишловларни кетма -кет бажарилишига асосланган. Корхоналарда қабул қилинган узум сараланади, навларга ажратилади ва юмшоқ режимда қайта ишловлар олиб борилади. Қанд ва спирт миқдорини кўрсаткичларга жавоб берадиган дақиқада бижғитишни тўхтатиши; технологик ишлов ва сақлаш давомида хом винони бижғишни олдини олиш, шиshalарга қўйилган тайёр мусалласларни барқарорлигини таъминлаш ва х.к.

Бижғишни тўхтатиши учун қуйидаги ишловларни қўллаш мумкин:

- ҳароратни пасайтириш (0°C гача) ёки ошириш $60-70^{\circ}\text{C}$
- бижғиётган муҳитни ачитқи ривожига керакли азот ва бошқа моддалар билан бойитмаслик мақсадида фильтрлаб, ачитқи суюқ муҳитидан ажратилади.
- SO_2 ва ачитқилар фаолиятини боса оладиган бошқа консервантлар қўшилади.
- Мусалласларни ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган усууллардан бири CO_2 тўйинтириш.

Биологик лойқаланишга барқарор ним нордон ва ним ширин мусалласларни тайёрлашда: қандни кўп миқдорда ва азот бирикмаларни кам тўплайдиган узум навлари қўлланилади; юмшоқ механик тизим, бижғиш тезлиги ва бижғиш ҳарорати паст бўлган, қандни секин бижғитадиган ва охирламайдиган маҳсус ачитқилар ишлатилади.

Бу мусалласларни тайёрлашда 2 схема мавжуд.

1 схемага кўра бижғиш жараёнида қанд кўрсаткичи талабга жавоб берадиган миқдорга этиши билан шарбат ёки мезгани бижғиши тўхтатилади. Бу мусалласларни ишлаб чиқаришда бир ёки бир неча узум навлари ишлатилади. Бу узумларда қанд миқдори 20-22%, титрланадиган

кислоталилиги 6-10 г/л. I -босим ва оқим шарбатларидан ним нордон ва ним ширин мусалласлар тайёрланади. II - ва III -босим шарбатларидан кувватланган ним нордон винолар олинади. 1 тонна узумдан 60 далга яқин оқим шарбати ва 1 - босим шарбати олинади. Олинган шарбат, ним нордон ва ним ширин мусалласларни олишда ишлатилади. Тиндириш ҳарорати 10-12⁰C, бутун технологик жараёни давомида оксидланишни олдини олиш керак.

Бижғиши ҳарорати 14-18⁰C, САЭ -да олиб борилади. Бижғиёттган мұхитда қанд миқдори керакли миқдоридан 1-2% ошиқ бўлганида, мұхит - 5⁰C совутилади ва эркин сульфат кислотасининг миқдори 30 мг/дм³ га қадар сульфитланади ва герметик ёпиқ сифимларда -3⁰C ҳароратда сақланади. Сульфат кислотасининг миқдори кейинги технологик жараён давомида доим 25-30 мг/дм³ атрофида сақланади. Паст ҳароратда сақланган мусалласлар тез тиниб қолади, зарурият бўлса улар фильтранади ва бир қўрсаткичли мусаллас хажмини купайтириш учун эгализация ўтказилади.

Хом мусалласларни ишловини биринчи босқичларидаёк хурушлаб, ортиқча металл миқдоридан четлантирилади, кейин фильтрланиб (диатомит фильтрларида) тезда -3 -4⁰C гача совутилади ва шу ҳароратда 6-7 кун сақланиб, яна шу ҳароратда фильтранади.


Қизил ним ширин ва ним нордон мусалласларни тайёрлашда узум шарбати мезгада тиндирилади ёки бижғитилади, ёхуд мезга 60-65⁰C қиздиралади. Кейинчалик шарбат мезгадан ажратилади, кейинги ишлов худди оқ вино технологик ишловига ўхшайди.

2 схемага кўра: нордон хом винолар ва консерваланган узум шарбати купажланади. Купажда бижғиши жараёни тугамаган хом винолар ва вакуум шарбатни ишлатиш мумкин. Купаж винони қуийш кунидан 40-45 кун олдин олиб борилади. Шиша идишга қуйилган мусаллас 3 ой давомида барқарорлигини сақлашни таъминловчи ишловлар берилади. Ишловлардан ўтган, қуилишга тайёр мусаллас паст ҳароратда CO₂ босими остида сақланади. 40⁰Сли ҳароратда 15-20 кун давомида қўшимча сақлаш тасвия қилинган, бунда мусалласни сифати ошиб, мусаллас етилиши тезлашади.

Қандли мусалласлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида, қиздирилган мусаллас шишаларга қўйилади ёки шишаларда пастеризацияланади. Шишада 55-60⁰C да пастеризациялангандан кўра 50⁰Сда қиздирилган мусалласни қиздирилган шишаларга қўйилиши, маҳсулотни етарли барқарорлигини таъминлайди ва шундай ҳолат ишлаб чиқаришда қулай ҳисобланади.

Совуқ ҳолатда стериллаш ҳам мумкин, аммо ишлаб чиқаришда уни талабларига риоя қилиш жудаям қийин. Шиша идишни қопқоқлари бир 1% ли H_2SO_3 эритмасида тозалаш ёки қиздириси шағын түзүлүштөрдөн көрсөткөнде көбүрек болады. Ним ширин ва ним нордон мусалласларни шишаларга куйгандан кейин $-2 \div -8^{\circ}C$ ҳароратда сақланади.

Ним ширин ва ним нордон мусалласларни ҳаммаси оддий сифатли винолар гурухига киради. Сабаби шундаки, улар сифатини ошириш учун етилтирилмайди ва маълум муддат сақланмайди. Бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда оқ ва қизил мусалласлар тайёрланади.



Расм 2. Нимнордон ва нимширин виноларни купаж йўли билан тайёрлаш схемаси: 1 - қабул қилиши бункери; 2- валкли узум майдалагич; 3- мезгонасос; 4- сульфитодозатор; 5- стекатель; 6 - пресс; 7 - шарбатни мезгада дамлаши учун резервуарлар; 8 - насос; 9 - ингредиентлар дозатори; 10 - шарбатни тиндириши учун мосламаси; 11- бижгитиши қурилмаси; 12 - ультрасовуткич; 13 - пастеризатор; 14 - фильтр; 15 - винони потокда тиндиригич; 16 - диатомит фильтры; 17 - паст ҳароратда сақлаши учун резервуари; 18 - винони иссиқда қадоқлаши қурилмаси; 19 - CO_2 билан баллон с; 20 - виноларни стерил шароитда қадоқлаши.

ҚИЗИЛ ХЎРАКИ ВИНОЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ


Қизил нордон винолар виночилик маҳсулотини асосини ташкил қиласиди. Улар оқ виноларга қараганда тарихий афзалликларга эга ва юқори биологик ва қимматли озуқа хисобланади. Уларда маълум миқдорда витаминалар, камёб микроэлементлар (марганец, бор, кобальт, йод, бром ва бошқалар) иборат бўлиб, организмни тузилишга иштироқ этади ва ҳаётий зарур жараёнларни боришини тартибга солади. Қизил вино одатда доридармон сифатида, касалларни кучини сақлашда ва мустахкамлашда

қўлланилади. Қизил виноларни рангини пайдо бўлишига қизил моддалар – узум антоцианлари сабаб бўлади. Булар узум пўстларида бўлади. Шунинг учун қизил виноларни олиш технологияси пўслогдан экстрактив моддаларни: бўёвчи, фенол моддалар, фенолкислота ва бошқа хушбўй, экстрактив бирикмаларни чиқариш ҳисобланади. Бу мезгада шарбатни бижғитиш, мезгани қиздириш, интенсив равишда аралаштириш, шингилларни углекислота мацерация мақсади ёрдамида амалга оширилади. Фенол моддаларни экстракциялаш учун айниқса 50–60⁰C-гача иситилган мезгада бўклишиш айниқса самаралидир.

Қизил винолар тайёрлашда узумни қайта ишлаш тизимларига шарбатни мезгада бижғитиш, мезган қиздириб (55-60⁰C), сўнгра оқ услубда бижғитиш ва хом вино билан бўёқ ошловчи моддаларни экстракциялаш қўлланилади.

Мезгани экстракциялаш жараёнида фенол моддаларини миқдори шарбатда тўғри ошади, антоционлар эса – эгри чизик бўйича камаяди. Бу шундан иборатки мезгада бўёвчи моддаларни қайта сорцияси, уларни оксидланиши ва чўкмага тушиши билан тушинтирилади. Ошловчи моддалар барча бошқа таркибий қисм билан гармонлашади ва унга юмшоқ бархатли таъм беради.

Қизил нордон винолар тайёрлаш учун яхши узум нави – Каберне – Совиньон ва Саперави. Улардан олинган вино ранги барқарор бўлади, сақлашда ажойиб ранг, тўлиқ букет ва таъм шаклланади, бу сифатлар куп ийиллар давомида сақланади. қимматли узум навлар Мельбек, Морастель, Цимлян қора, Магарач қаҳрабоси, Хиндогни, Матраса ҳисобланади.




Расм 3. Шарбатни мезгада бижғитиш

Қизил нордон винолар мезгада винони бижғитиши классик технологияси бўйича углекислота мацерация ва мезгани иситиш йўли билан тайёрланади. Мезгада шарбатни классик технологияси маркали виночиликда қўлланилади. Бу очиқ ёки ёпиқ сифими 800 дан 2000 далгача бўлган резервуарда сузib юрувчи ёки юкландган «телпак» (расм) билан тушинтирилади. Резервуар 75% гача тўлдирилади ва бир вақтни ўзида 2 – 3% САЭ ни киритилади.

Оддий ҳароратда ($18\text{--}20^{\circ}\text{C}$) деярли кейинги кундан кўп миқдорда углерод (IV) оқсиди ажралиши билан жўшқин бижғиш жараёни бошланади, бунда узлуксиз равишда қаттиқ қисмлар юқорига қўтарилади ва «телпак» - ёппасига зич масса ҳосил бўлади, оксидланишдан огоҳлантириш учун «телпак»ни юқори қисми даврий равишда суткасида 3 – 4 маротаба махсус аралаштиргич, насос «ўзига» ёки турли хил конструкцияли винифиқаторларни қўллаш натижасида аралаштирилади.

Иккинчи схема бўйича узумни тузилиши ва термовинификация мақсадини боғлиқлиги холда мезга, мезга қиздиргичларда $55\text{--}75^{\circ}\text{C}$ гача қиздирлилади. Оқимда бўқтириш учун иситкичдан мезга термомацераторга юборилади, кейин рекуператор орқали қисман совутилади ва стекательга юборилади. Мезгадан оқим шарбати оқиб тушганида мезга исканжалашга берилади, олинган шарбат трубали иссиқлик алмашиниши қурилмаси ёрдамида $15\text{--}20^{\circ}\text{C}$ ҳароратгача совутилади, тиндириш йўли билан тиниқлаштирилади (зарур бўлгандан тиндиришдан олдин шарбатга пектолитик фермент препарати киритилади) ва оқ услубда 2 – 4% САЭ киритилиши билан бижғишга юборилади.



Расм 4. Мезгадан бўёқ ва ошловчи моддаларни хом шаробда дамлаш технологияси (экстракция)

Термовинификацияни қўллаш юқори иқтисодий самара (поточность) технологик жараёни тўлиқ механизациялашган ва автоматизациялашган жараёни билан заарли микроорганизмларни инактивациясини, сулфитлаш миқдорини камайиши ва юқори сифатли қизил хўраки вино олишини таъминлайди.

Термовинификация турли типдаги қизил винолар – пушти рангдан тўқ бўялгангача, нордондан нимширин ва десертгача олиш имконини беради.

Назорат саволлари.

- 1.** Ўзбекистонда узумчилик ва виночилик соҳаси қачон мавжуд топган?
- 2.** «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси таркибида қандай ишлаб чиқариш корхоналар фаолият кўрсатмоқда?
- 3.** Қайси узум навларидан оқ нордон винолар олиш тавсия этилади.
- 4.** Сифат кўрсаткичи бўйича оқ нордон виноларни классификацияси.
- 5.** Оқ нордон винолар технологиясида нимага аҳамият берилади ва нима учун.
- 6.** Купажлаб ним нордон винолар тайёрлаш технологияси
- 7.** Қизил винолар тайёрлаганда термик ишловини ўзлиги нимада?
- 8.** Ним нордон виноларни тайёрлашда қўлланиладиган материаллар?
- 9.** Ним нордон, ним ширин виноларни кўрсаткичларини келтиринг.
- 10.** Мезгага бериладиган ишловлар.
- 11.** Қизил виноларни рангини сақловчи омиллар.

Адабиётлар.

1. R Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering, Fifth Edition (Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар).

Маъруза 2

ПИВО ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Режа

1. Солод ишлаб чиқариш технологияси
2. Пиво шарбатини тайёрлаш технологияси
3. Пиво шарбатини бижғитиш технологияси

Таянч сўзлар: арпа, триер, бўктириш, пуркаш, арпани ундириш жараён, ундириш услублари, солод, солодни қуритиш, пиво шарбати, солодни майдалаш, затор, солод ферментлари, филтрлаш жараёни, қулмоқ, пиво шарбатини қайнатиш, тиндириш, совитиш, пиво ачитқиси, соф ачитқи экини, бижғитиш, бижғиши босқичлари, пиво, асосий бижғиши, бижғитишни давом эттириш, пиво нави

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритиши билан иқтисодий ва сиёсий жабҳаларда ўз ўрнини топиши ва бозор иқтисодиёти даврида ҳалқ хўжалигини ривожлантиришда, асосан, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, саноатда янги техника, илгор технология ва илмий ютуқларнинг охириги натижаларидан унумли фойдаланиш билан ривожланишни биринчи мақсад деб режалаштириди.

Бу масалада қишлоқ хўжалигини у билан боғлиқ бўлган хом ашёларни қайта ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари режасини тез амалга оширишга ўз хиссаларини қўшиб биринчи галда республика ахолисини озиқ-овқат билан таъминлаш режалаштирилди.

Бу муаммо бозор иқтисодиёти даврида республикада дон мустақиллигига эришилди. Сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиш йўлга қўйилди. Янгидан янги технология, хар тамонлама қулай, экологик тоза ва тежамкор жиҳоз ва хом ашёлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Солод ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий хом ашёси арпа ҳисобланади. Арпа маълум шароитларда ундирилади, қуритилади ва солод олинади. Солод – пиво ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланади. Шунинг учун солод ишлаб чиқаришда хом ашёнинг кимёвий таркиби ва сифат кўрсаткичларига жуда катта эътибор қаратилади. Албатта бу кўрсаткичлар технологик жараённи сифатли олиб борища, ҳамда берилган тавсифдаги маҳсулотни олишда ёрдам беради.

Арпани етиштиришда аввламбор ернинг таркиби, иқлим шароити ўрганилади ва шунга қараб бир неча навлар айнан шу ерда намунавий ўстирилиб, кейингина катта майдонларда етиштиришга рухсат берилади. Чунки яхши кўрсаткичларга эга бўлган арпа навлари экилгандан сўнг талабга жавоб бернамаслиги мумкин.

Технологик нуқтаи назардан арпанинг тез ўсиб чиқадиган ва кам микдорда озуқавий қийматини кам микдорда йўқотадиган донлар экилиши мақсадга мувофиқдир. Бир хил катталикдаги донларнинг экилиши, арпанинг бир текисда бўкиши ва бир хилда унишига об келади. Шунинг учун пиво учун арпа етиштиришда доннинг нафақат кимёвий ва озуқавий қийматларига эътибор берилади, балки йирик ва майдалиги хам эътиборлидир. Арпа асосан 3 та фракцияга бўлинади: 2,8; 2,5 ва 2,2 мм.

Арпага ишлов бериш. Арпани сақлаш. Янги йифиб олинган арпа солод ишлаб чиқаришга ишлатилиш мумкин эмас. Чунки унинг таркибидаги етилиш биокимёвий жараёнлар хали тутатилмаган. Бундай арпа паст кўрсаткичга эга бўлиб, умуман унмаслиги мумкин. Шунинг учун арпа далалардан йифиб олинган сўнг, заводларга келтирилиб, дағал қолдиқлардан ажратиш бўлимида йигимдан сўнг етилишга жўнатилади. Ўртacha ҳисобда дон солодга қайта ишланишидан олдин, ётилиши ва охиригачи икки ой давомида етилиши керак.

Бу вақт оралиғида йигимдан сўнг етилиш жараёни бўлади, дон тўлиқ физиологик етукликка етади. Етилишда намлик камаяди, шакарлардан крахмални синтези давом этади ва аминокислоталардан оқсиллар келиб чиқади. Аминли азот ва бошқа сувда эрувчи моддаларнинг таркиби камяди.

Арпанинг сифати ўз навбатида солод ҳамда пивонинг сифат кўрсаткичларига таъсир қиласи. Шунинг учун арпанинг сифат кўрсаткичи солод ўстиришда жуда ахамиятлидир.

Ҳозирги вақтда арпа солод ишлаб чиқарувчи корхоналарга олдиндан тузилган қишлоқ хўжаликлар билан шартномалар асосида тузилади, бу ўз навбатида маълум бир навларни етиштириш имконини беради. Навларнинг тозалиги бир хил сифатдаги арпа олишни таъминлайди. Қоида бўйича, корхонага келтирилган арпа тозаланади ва сақланади.

Сўнг, асосий тозалаш жараёни олиб борилади.

Солод ундиришга ярамайдиган қолдиқлардан холи бўлиш;

- солоднинг сифатига салбий таъсир кўрсатадиган ва намликнинг ошишига таъсир кўрсатувчи бегона ўсимликлар уруғлари қолдиқларидан холи бўлиш:

- арпани йириклиги бўйича саралаш.


Келтирилган арпа силосларга келиб тушади. Шунда ўртача намуналар олиниб лаборатория томонидан текширувлар амалга оширилади.

Тозалашдан олдин арпа тортилади ва унинг маълумотлари маҳсус китобга ёзилади ёки компьютер базасига киритилади.

Пиво ишлаб чиқарувчи корхонада арпа захираси 9 ойга етарли бўлиши керак. Корхонага келтирилаётган арпа турли аралашмалардан иборат бўлганлиги сабабли дастлаб тозалаш босқичидан ўтади. Арпа йирик аралашмалардан ҳаво ва элаклар ёрдамида тозаланади, сўнг дон омборига сақлашга жўнатилади. бўктиишдан аввл арпа яна иккиламчи тозаланади. Дон массаси таркибидаги бегона аралашмалар ва майдаланган донлар ажратиб олинади. Сўнг тозаланган арпа ўлчамларига кўра бир хил бўкиш ва теккис униб чиқиш учун I, II ва III навларга ажратилади.

1-расмда арпани қабул қилиш, тозалаш ва саралашнинг жиҳоз-технологик схемаси кўрсатилган. Корхонага арпа дони автомобил ёки темир йўл транспорти оқали келтирилади. Қабул қилинаётган арпа донидан лаборатория анализи учун намуналар олинади. Асосан, намлиги бўйича донлар алоҳида жойлаштирилади. Корхонага келтирилган арпа қабул қилувчи бункер (1) га, ундан лентали транспортёр (2) га тушади, нория (3) ёрдамида оралиқ бункер (6) га узатилади. У ердан дон автомат тарозида (7) ўлчаниб, магнитли сепаратор (8) дан ўтиб дастлабки тозалаш учун ҳаво-элакли сепаратор (9) га тушади. Бирламчи тозалашдан ўтган дон тарози (25) да ўлчаниб бункер (24) да йиғилади. Сўнг нория (10) ва транспортёр (11) ёрдамида силос (23) га сақлаш учун узатилади.

Бирламчи тозалашдан сўнг юқори намлиқдаги дон бункер (24) дан нория (3) ёрдамида бункер (5) орқали дон қуригичга тушади. Қурилилган дон бункер (26) да тўпланиб, у ердан сақлаш учун силос (23) га жўнатилади. Солод ундиришга (солодовня) узатишдан аввал дон қайта тозаланади. Бунинг учун силослардан траспортёр (22) ва нория (12) ёрдамида (13) бункерга, сўнг тарози (14) га ва ҳаво-элакли сепаратор (15) га у ердан триер (16) га жўнатилади. Бу ерда арпа ўлчамидан калта ва шарсимон аралашмалар (бегона ўтлар уруғлари, бўлинган донлар) ҳамда сули ва авсюк ажратиб олинади. Тозаланган дон ўлчамларига кўра сараловчи элаклар (17) да сараланади. I ва II навли донлар тарози (20) да ўлчаниб, бункерларда (21) ва (19) тўпланиб солод тайёrlаш учун сарфланади. Дон чиқиндилари эса бункер (18) да тўпланади. Қайта ишлашдан аввал дон магнитли сепараторлардан металл аралашмаларни ажратиб олиш учун ўтказилади.



Расм-1.Арпани қабул қилиш, тозалаш ва саралашнинг жиҳоз-технологик схемаси.

Арпа донини дастлабки тозалаш: Арпа донини бирламчи тозалаш қуидаги жиҳозлар ишлатилади: 1.механик тозалаш (аспиратор, сепаратор, аспирацион калонкалар); 2. магнитли сепараторлар ёрдамида тозалаш.

Бирламчи тозалашдан мақсад:

- элаклар ёрдамида йирик аралашмадан ажратиш (поя, бошоқлар ва х.);
- майда аралашма (кум, чанг);
- Чанг ва енгил аралашмаларни ажратиш;
- Арпани сақлашда солоднинг ўсиши учун керакли ферментлар актив бўлмайди ёки актив ҳолати жуда паст бўлади. Бўқтириш жараёнида доннинг ичига сув киради ва шунинг ҳисобига барча ферментлар активлашиб, ўсиш жараёнига ёрдам беради. Бу жараён фақатгина солод ундириш жараёнига таалукли эмас: барча донли, дуккакли илдиз мевали ва уруғлилар намланган зохати ўнишни бошлайдилар.
- Шу билан бир қаторда арпани нафас олиш жараёни хам интинсифлашади, бунда кислородга бўлган талаб ортиб боради. Бўкиш ва униш жараёни бир бирига чамбарчас бир бирга боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларни биргаликда кўриб чиқиш керак бўлади.
- Бўқтириш жараёнида арпани сув хамда кислород билан таъминлаб туриш керак. Ундириш жараёнини худди бўқтириш жараёни каби тезда ўтказиш керак.
- Бўқтиришда кечадиган жараёнлар


- Бўқтириш жараёнида арпа ўзига сувни ютиши керак, кислород билан тўйиниши ва тозаланиши керак.
- Сув ютиши. Авваламбор сув арпанинг муртак қисмига киради, сўнг ён қобиқларидан донга кириб боради. Сув ютиши бўқтириш жараёнини давомийлигига, ҳароратига, доннинг ўлчамига, арпа навига ва айниқса терим пайтига боғлиқ бўлади.
- Бўқтириш давомийлиги. Сув ютилиши олдин тез боради, сўнг вақт ўтган сари секинлашади.

Бўқтирилган арпа пневматик солод ундиригичларда амалга оширилади. Пневматик солод ундиригичларда ундирилаётган дон қатламининг орасидан маълум намликка, ҳароратга эга бўлган хаво интенсив аэрация қилинади. Бунда донда мураккаб биокимёвий ва морфологик ўзгаришлар бўлади. Морфологик ўзгаришларга доннинг муртак қисмини ривожланиши ва эндосперма тўқимасини структурасини бузилиши киради. Биокимёвий ўзгаришларига эса – ферментлар активацияси, мураккаб моддаларни оддийларига айланиши ва нафас олиш жараёни киради.

Ундириш жараёнида донда муртакли нишчалар (кўзчалар) пайдо бўлади. Муртак нишчалари ёрилиб ундан янги нишчалар пайдо бўла бошлайди ва улар ўз навбатида капилляр тўқимлар билан қопланади. Шу билан биргаликда муртакнинг баргли қисми (усимта ёки шохчаси) уса бошлайди. У уз навбатида мева ва уругли катламни бузиб уса башлайди. Усимта белгиланган катталикгача усиши керак.

Расмда, арпа эндоспермасини ундириш кунлари бўйича парчаланиши курсатилаган.

Расм-2. Донни ундириш кунлари бўйича арпа эндоспермасини парчаланиш схемаси келтирилган.



Муртакнинг ривожланиши аввалига дон таркибидаги озуқа моддалари захиралари (углеводлар, аминоқўшимчалар, минерал моддалар ва б.) ҳисобига амалга оширилади. Улар бўктириш жараёнида сув бериш натижасида ишга тушиб парчаланиш орқали донни ривожлантиради. Муртакни кейинчалик ривожланиши учун доимий паст молекуляр озуқа моддалари керак бўлади. Бу жараённи таъминлаб туриш учун гидролитик ва ферментатив жараёнлари ишлатиш керак.

Ферментларни активацияси ва арпа эндоспермаси таркибидаги захира озука моддаларини ишга тушириш учун эса етарли даражада эркин намлик керак. Бунинг таъсирида крахмал, оқсил, пектин моддалари ва бошқа моддалар шишиди ва шундай холатга ўтадики, унда ферментлар таъсирида парчаланади. Тўқима деворлари суст бўлиб қолади.

Ундириш жараёнига қараб крахмал дон эндоспермаси ва уларни боғлаб турувчи моддалар парчаланиб кетади. Эндосперма қисми шу даражада юмшок бўладики, уни bemalol бармоқлар орасида эзиб ташлаш мумкин. Донни бундай юмшоқ холатига келишида кейинчалик солод ундиришда унинг зичлигини ўзгартиради. Доннинг одатдаги зичлиги $1,3 \text{ г/см}^3$ бўлиб, у сувда чўкади. Яхшигина эриган дон солоднинг зичлиги $1,0 \text{ дан кам бўлиб}$, у сувга ташланганда сузуб юради. Яхши эримаган дон солоди сувда чўкади.

Солод ундиришда технологик режим тўлиқ қўлланилланганда муртак нишлари $1,5\text{-}2$ дон ўлчам узунлигига бўлади.

Дон ундиргичларнинг турлари. Тўғри бурчакли солод ундирувчи яшиклар гиштдан терилади ёки темирбетондан қурилади. Ундирилаётган солодни тўлиқ аралashiшини шнекли аралаштиргич орқали амалга оширилади ва аралashiш жараёни тўлиқ амалга ошиши учун яшикни ички бурчаклари желоб кўринишида қилинган. Солод ундириш цехида ундириш жараёнининг давомийлигига қараб кетма-кетликда 6 тагача солодундиригич қўйилади. Ушбу бўлим термоизоляцияланган, девор ва потолоклар текис ва унда хар доим кўп бўлмаган ортиқча босим ушлаб турилади шу сабабли эшикларни герметик шаклда қилинади ва хар доим эшиклар ёпик холатда ушланади.

Қуритиш учун иссиқлик оқими керак, лекин солод қалин қатlam бўлиб жойлашганлигини ҳисобга олган холда кўп микдорда иссиқ хаво микдори талаб қилинади. Шу кўрсаткични инобатга олган холда қуригичнинг “юраги” деб иститиш ва вентиляция системаси хисобланади. Қуритиш жараёнининг асосий принциплари 2 та жараёндан иборат:

1-жараёнда, тайёрланаётган солоднинг типига қараб янги ундирилган солод хар хил намлик ва хароратда қуритиш ўтказилади – бу жараён дейилади.

2-жараёнда, харорат қуритиш хароратигача кўтарилидади, ва солод қуритилади; бу жараён қуритиш дейилади.

Қуригичларни хар хил турлари мавжуд, улар ишлаб чиқриш куввати ва қандай қуритилишига қараб корхона томонидан лойихалаштирилидади. Бир ярусли, икки ярусли, отиб очувчи решеткали, бир ярусли юкловчи ва бўшатувчиси бўлган ва бир қанча бошқа қуригичларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Оч буғдой солоди, тез қуритилади 80°C да, тўқ рангга бўйалиб кетмаслиги сабали. Оч буғдой солоднинг ранги $3,0 - 4,0$ бирликда бўлиши керак. Ундан олинган пива майин, ўйноқи ва бўғдойли ароматга мос бўлиши керак.

Тўқ буғдойли солод, $100-110^{\circ}\text{C}$ да қуритилади, ранги 15-17 бирликда бўлади. Тўқ буғдойли солод тўқ пива ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Солод ундирувчи бўлим портлаш хафви бор, чунки чанг кўп йифилади. Буни бартараф этиш мақсадида доимо, вентиляция шахталари ва чанг ютичлар ўрнатилади.

Портлаш хавфига моил бўлган жихозлар;

- аспирацион қурилмалар;
- силос ва бункерлар;
- қизиб кетган нориялар.

Қизиб кетган ёки ишлаётган жихозлар ёнида олов (гугур, сигарет) ёки маън этилади. Тўхтовсиз ишлаётган жихоз учқунлаб ёниш ёки портлаш хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Хар ой ускуна ва жихозлар текширувдан ўтказилади. Хона ва цехлар чанг ва бошқа моддалардан тозалиги таъминланади.

Пиво шарбатини тайёрлаш

Пиво паст алкогольни, ўйноқи тоза ичимлик; қулмоқга хос хушбўй, ёқимли, ачикрок таъмга эга.

Хом ашё: арпанинг ундирилган ва ундирилмаган дони, қулмоқ, сув.

Тайёр пиво таркибида: сув – 90%, спирт – 2,8-6%, CO_2 – 0,3%, экстрактив моддалар микдори – 5,5-10%-ни ташкил этади.

Ундирилган дон омборлардан силлиқлаб берувчи машина бункерига тўкилади ва электромагнит сепараторидан ўтказиб тозаланган солод

тарозида тортилиб, майдалаш машинасига юборилади. Арпа ва солодни майдалашдан асосий мақсад «Затирание»да донни эритишдаги физикавий ва кимёвий жараёнларни тезлатиш ва кечишини осонлаштириш билан экстрактни ҳосил қиласидиган эрувчан моддаларни сувга максимал даражада ўтишини таъминлаш.

Ундирилган дон ва арпанинг майдаланиш даражасига катта аҳамият берилади, чунки уриниш ва фермент таъсир қилиш юзаси унга боғлик бўлади.

Солод майдалангандаги қобиқни сақлаб, уни бузмасликка ҳаракат қилинади. Дон қобигини эзилиши пивони рангига, таъмига салбий таъсир кўрсатади ва доначалардан табиий тузилган фильтрлаш қатламини бузилишига ҳам аҳамияти катта. Майдалангандаги солодда шелуха 15-18%, йирик крупа-ёрма 18-22%, майда ёрма 30-35% ва ун 25-35%-ни ташкил этади.

Дробилка-майдалаш машинасида майдалашдан олдин солод намланади. Намланган солоддан кобиги бўлинмасдан тўлиқ ажралиб чиқади ва унинг бутунлиги сақланади. Эзилган унни майдалангандаги даражаси донни ҳаракатланиш тезлигига ва вальцлар орасидаги масофага боғлик.

«Затирание»-ни асосий мақсади солодни, қулмоқни таркибидаги юқори қийматли қисмини, уни ўрнини босадиган моддаларни экстракциялаш ва улардан пиво суслосини тайёрлаш.

Ферментатив жараёнларнинг ўтиш тезлиги бирдек сақланиб турилиши ва крахмал, оқсилнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар нисбати сакланиши лозим. Сусло-шарбат тайёрлаш учун «Затирание» ўтказадиган аппаратларга солинадиган майдалангандаги солод ва бошқа дон маҳсулотларига «засыпь» дейилади ва унга керак бўлган сув «налив»- дейилади.

«Налив»-нинг асосий 2/3 қисми янчилган донга-«засыпь»-га қуйилади ва 1/3 қисми фильтрацияланганда «дробинани» экстракциялаш учун киритилади.

Аралашма - «затор» тайёрлашни майдалангандаги дон маҳсулотини илик сув билан аралаштиришдан бошланади, доим аралаштирилиб турган ҳолда 1 кг дон маҳсулотига ўрта ҳисобдан 4-5кг сув қуйилади. Затор тайёрлашда сувнинг сифати ва юмшоқлиги аҳамияти катта. Сувдаги кальций ионлари эримайдиган чўкма ҳосил бўлишига олиб келади. Бу ўз навбатида муҳит рН-ни пасайишига олиб келади. рН ўзгарди деган сўз ферментатив жараёнларни ўтиш тезлигига, тўлиқ юборилишига крахмални, оқсилни парчаланишига ва шарбатнинг охирги таркибига ҳам таъсири катта.

Шунинг учун, сувга қўйилган талаб катта бўлади ва керак бўлганда уни юмшатиш ишлови ўтказилади. Аралашмага эса сут кислотасини қўшиб, pH-ни тўғирлашга рухсат берилган.

Аралашмани філтрлаш – турли системадаги, қаттиқ дисперс қисмдаги аралашмани ажратиш катта заррачалар йигилиб табий фільтрлайдиган қатлам ҳосил килишига асосланган. Фільтр аппаратларида эзилган массадан пиво шарбати ва дробинанинг қаттиқ қисми ажралиб чиқади. Қисқа муддатда тиндирилган эзма-аралашма массасидан 30-40 см баландликда фільтрлайдиган қатлам ҳосил бўлади ва суюклиқ қисмини узвий оқимда фільтрлашнинг биринчи босқичи ўтиб, унинг таркибидаги қуруқ моддалар миқдори 14-16% ни ташкил қиласди. Ушланиб қолинган қаттиқ қисмидан экстракт ишқор билан ювиб олинади. Бу ерда, қаттиқ қисмдаги экстракт диффузияга учрайди. Бу экстракция жараёнини тезлатиш учун қаттиқ қисми юмшатадиган модда билан аралаштирилади ва ҳарорати 75-85°C-га тенг бўлган иссиқ сув узлуксиз сепилади ва ювинди сувлар ҳосил бўлади.

Биринчи сусло билан ювинди сувлар тиник бўлиши керак, чунки майда заррачалар эзмадаги эримайдиган қисмлар пивога бемаза таъм беради ва ёмон тиниш жараёнини тўлиқ ўтмаслигига олиб келади.

Ювинди сувлар таркибидаги экстрактив моддалар миқдори 0,5%-га камайиши билан ювиш тўхтатилади ва фільтр аппаратдан фільтр қатлами олиб ташланади ва қайтадан тўлдирилади. Бу технологик жараён бир кунда ўрта хисобда 3-5 марта айлантирилади, фільтр прессларда эса бир кунда 5-7 марта айланади.

Қулмоқ билан суслони қайнатиш

Фільтранган биринчи сусло ва ювинди сувлар сусло қайнатиш аппаратига юборилади ва қулмоқ билан қайнатилади. Аппаратга биринчи бўлиб пиво шарбати келиб тушганда унга қулмоқ қўшиб қиздириш бошланади ва ювинди сув берилиши тўхтагунча ҳарорат 70-75°C-да сақланади. Қиздиришни кучайтириб, ювинди сувлар оқими тўхтаганда шарбат қайнаб туриши керак. Пиво шарбатини қайнатадиган аппаратнинг туби шарбатга ботиши билан қулмоқ қўшилади, сўнгра бир соат ичидаги шарбатни 1/4 қисми ва қайнаш арафасида яъна 1/4 қисми қўйилади. 0,5 соат ичидаги шарбатни ҳажми тўлиқ қўшилади. Қулмоқ бутун ёки экстракт ҳолатда қўшилади. Қулмоқ экстракти юпқа қатламли оқимда, прессланган қулмоқ эса 2-босқичда қўшилади: қайнаш бошланганидан 1 соат кейин қўшиладиган қулмоқни 80% ва тугашига 30 дақиқа қолганида 20%-и қўшилади.

Қулмоқни сарфланиши пивони турига, навига, қишда ёки ёзда тайёрланыётганига ва қулмоқдаги кислоталиликка боғлиkdir.

Қишда ва баҳорда пиво тайёрлаганды, пиво шарбати билан қулмоқ 2 соат қўшимча қайнатилганлиги сабабли қулмоқни сарфланиши 20%-га ошади. Чўкма тушиб унинг юзасидаги суюқлик соф, тиник бўлса қайнатиш жараёни тўхтатилади ва қулмоқни ажратадиган аппаратга келиб тушади. Бунда аппаратнинг тубида қулмоқ ушлаб қолинади ва суюқлик ундан ўтиб насос орқали сифимларга йигилади, совутиш ва тиндириш учун қолдирилади. Ювинди сувлари ҳам қўшиб юборилади.

Пиво шарбатининг асосий кўрсаткичи бу суюқликка чиқган экстракт моддалар микдори, бу ҳам бўлса маълум вазндан солоддан эритмага ўтган экстракт моддаларининг микдори 68-78 %-ни ташкил этади.

Пиво шарбатини совутиш ва тиндириш

Бижғитиши услубига қараб тайёр пиво шарбати «пастда» бижғитиши услубида 6-7°C, тепа юзасида бижғитишида эса 14-16°C-ча совутиш учун совитиш-тиндириш аппаратига юборилади. Икки соат давомида тиндиришнинг биринчи босқичи ва пластинкали иссиқлик алмашинув аппаратида иккинчи босқичи ўтади, бу ерда ҳарорат 70-60°Cдан 6°C-гача бўлади. 8,7-8,5 56-57% тенг бўлиши лозим.

Пиво шарбатини бижғитиши

Ачитки ферментлари таъсирида пиво шарбатини бижғиши пиво ишлаб чиқаришда асосий жараён ҳисобланади ва тепа юзасидаги ёки паст юзадаги бижғиши услубига ажратилган. Уларнинг фарқи қўлланилаётган ачитқининг тури ва ҳарорат тизимидаидир. Паст юзада бижғитиши ҳарорати 6-10°C бўлса, тепасидаги эса 14-28°C, давомийлиги 6-10 кунга тенгdir.

Бижғитиши сифимлари пастдан тўлдирилади. Тоза ачитқи тури эса оқимда берилади. Бижғитиши сифимидағи суюқликни бижғитишигача етарлик сонгача қўпайтирилган ва юқори бижғитиши қобилиятигача ўстирилган ачитқини соф ачитқи экини (чистая культура дрожжей) олишга ишлатилади. Ишлаб чиқариш ачитқиси бижғитиши қобилиятини, бижғитиши хусусиятини ўзгартирса ёки микроорганизмлар ўз тозалигини йўқотса тоза ачитқи экини янгиланади.

Даврий ва узлуксиз бижғитиши усуллари мавжуд. Бижғиши давом этилганда ачитқи ва кислород борлиғи пивони ҳидини, рангини ва муаттарлигини бузади. Бижғиши давомида пиво шарбатининг экстрактини камайиши, спирт, CO₂ қўпайиши кузатилади.

Соф ачитқининг технологик тавсифи. Ишлаб чиқаришда биринчи бижгитишида олинган чўкмадани ачитқиси биринчи генерациянинг экин ачитқиси дейилади. 1-чи, 2-чи генерациядан 10-чи генерациягача ачитқини ишлатиш мумкин. (Генерация-насл, авлод, туғилиш, юзага келиш).

Ачитқили пиво шарбати (суюк ачитқи) бижгитиши сифимидағи суюклика қўшилади. Сифим ҳажмининг 85-90 % икки-учга бўлиб тўлдирилади.

Асосий бижгишнинг 1-босқичида шарбат юзасида майин оқ кўпик ҳосил бўлади ва унга «забел» дейилади. (Забел-оқармок, оқатирмоқ). Оқариш - 1-1,5 кун давом этиб, ачитқи хўжайралари актив кўпайиб шарбатнинг экстрактивлиги кунига 0,2-0,5%-га камайиб боради. Ўсимлик ва ҳайвон танасидаги оқсил бўлмаган органик моддалар экстрактив моддалар таркибиға киради.

Иккинчи босқич паст чирмов даври (период низких завитков)-қалин, оқ ихчам кўтарилаётган кўпик билан ифодаланади. Унинг ташқи кўриниши - оқ рангли чиройлик шаклдаги чирмов. Иккинчи босқич 0,5-1 кун давом этади.

Учинчи босқич-баланд чирмов даври бўлиб, у юқори бижгиш тезлиги, интенсивлиги билан характерланади. Кунига экстрактнинг камайиши 1-1,5% ташкил қиласи. Кўпик пўкак тепага баланд кўтарилади ва юзасида ўзига хос жигар рангли нухталар пайдо бўлиб, аста секин бижфиётган шарбат юзаси тўлиқ бўялади, ва бу босқич 3-4 кун давом этади.

Тўртинчи босқич чирмовнииг тўкилиши даври, чирмовнинг астасекин тўкилиши, йўқолиб кетиши билан характерланади ва икки кун давом этади. Шарбатнинг юзаси юпқа жигар ранг қатlam билан тортилади, давомийлиги 2 кун. Шарбатнинг экстрактивлиги кунига 0,5-2%-га камаяди. Ачитқи чўкмага тушиб пиво тинади. Шу босқични охирги маҳсулотига ёш пиво дейилади. Қандларни спиртли бижгишида бижфиётган муҳит ҳарорати кўтарилади, чунки 1 кг қанд бижғиганда 628 кДж иссиқлик чиқади. Ҳарорат кўтарилиб кетмаслиги учун бижфиётган пиво шарбати совитилади. Паст ҳароратда эрувчан CO₂-ни тўпланишини таъминланади ва 0,2% CO₂-ни тўпланишини таъминлайди. Экстракт моддаларининг бижгиш маҳсулотларига айланиши сабабли, бижгиш жараёнида экстракт моддалар камайиб боради. Бу айланиш катталиги бижгиш даражаси дейилади ва фоизда ифодаланган бўлиб бижғиган экстрактни суслодаги экстрактга нисбати деб аниқланади:

$$X = (E - e) / E \times 100$$

бу ерда: Е-бошлангич пиво шарбатининг экстрактивлиги

Е-ёш ёки тайёр пивонинг экстрактивлиги

Бижгиётган пиво ёки суслодаги спирт ва диоксид борлигига аниқланган экстракт «кўринадиган» экстракт дейилади. Ҳақиқий экстракт-спирт ва CO₂ чекланган пиво ва бижгиётган суслода пикнометрик усул билан аниқланадиган экстрактдир. Бижгиш давоми суслодаги экстракт моддалар микдорига қараб 11-13% бўлса 7 кун, 14-18% бўлса, 8-10 кун давом этади. Экстракт моддаларнинг камайиши кунига 0,15-0,20% бўлса асосий бижгиш тугади деб ҳисобласа бўлади.

Турли навдаги пиво ишлаб чиқарилганда асосий бижгиш ўзига хос сахариметр кўрсаткичидан ўлчаб тугатилади.

Пиво суслосини бижғитиш. Ачитқи ферментлари таъсирида пиво шарбатини бижгиши пиво ишлаб чиқаришда асосий жараён ҳисобланади ва тепа юзасидаги ёки паст юзадаги бижгиш услубига ажратилган. Уларнинг фарқи қўлланилаётган ачитқининг тури ва ҳарорат тизимида дир. Паст юзада бижғитиш ҳарорати 6-10°C бўлса, тепасидаги эса 14-28°C, давомийлиги 6-10 кунга тенгдир.

Бижғитиш сифимлари пастдан тўлдирилади. Тоза ачитқи тури эса оқимда берилади. Бижғитиш сифимида ги суюқликни бижғитишгача етарлик сонгача кўпайтирилган ва юқори бижғитиш қобилиятигача ўстирилган ачитқини соф ачитқи экини (чистая культура дрожжей) олишга ишлатилади. Ишлаб чиқариш ачитқиси бижғитиш қобилиятини, бижғитиш хусусиятини ўзгартирса ёки микроорганизмлар ўз тозалигини йўқотса тоза ачитқи экини янгиланади.

Даврий ва узлуксиз бижғитиш усуллари мавжуд. Бижгиш давом этилганда ачитқи ва кислород борлиғи пивони ҳидини, рангини ва муаттарлигини бузади. Бижгиш давомида пиво шарбатининг экстрактини камайиши, спирт, CO₂ кўпайиши кузатилади.

Асосий бижгиш тугагач, ёш пиво бижғишини давом этиб тугатиши ва пиво етилиши учун герметик ёпиқ сифимларга куйилади. Ачитқи четланиб ачитқи бўлимига, ювиш ва ишлов беришга юборилади. Янги ёш пиво истеъмол қилишга яроқсиз бўлганлиги учун у етилишга юборилади. Етилиш 21-100 кун давом этиб, ҳарорати 1-2°C ва абсолют босими 0,14-0,15МПа бўлиши керак.

Назорат саволлари.

1. Пиво ишлаб чиқариш саноатида қандай хом ашёлар қўлланилади?
2. Арпа ундириш деганда нима тушунилади?
3. Солод ундиришдан асосий мақсад нима?
4. Нима учун дон бирламчи ва иккиламчи тозалашдан ўтказилади?
5. Нима учун намлиги юқори бўлган дон қуритилади?
6. Магнитли сепараторнинг ишлаш принципини таърифланг.
7. Арпани ундиришда кечадиган жараёнларни келтиринг.
8. Арпани қуритишда қандай жараёнлар юз беради.
9. Затор тайёрлашдан мақсад нима?
10. Нима учун пиво шарбати совутилади?
11. Экстрактни пиво сифатига аҳамияти?
12. Қулмоқнинг вазифаси нимада?
13. Пиво шарбатини бижғитиш услублари.
14. Пиво тайёрлаш схемасини тушунтириб беринг.

Адабиётлар.

1. R Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering, , Fifth Edition (Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар).

Маъruzza 3

СПИРТ ИШЛАБ ЧИКАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИ

Режа

1. Спирт ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашёлар.
2. Донни қайта ишлашга тайёрлаш.
3. Донли хом ашёни пишириш ва қандлаштириш.
4. Донли суслани бижғитиш ва спиртни ректификациялаш

Спирт ишлаб чиқаришни асосий жараёнида – крахмални қандли моддаларга айлантириш ва қандни этил спиртига айлантириш биологик катализаторлар оркали амалга оширилади. Шунинг учун бу биохимиявий жараён хисобланади. Лекин қанд ачитки ёрдамида спиртга айлантирилади. Шунинг учун микробиологик технология жараёнларига хам киради. Шу билан бирга спирт ишлаб чиқариш механик, иссиклик ва физико-химиявий жараёнларни ўз ичига қамраб олган фандир.

Спирт ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнларни қўйидагилар:

1. Хужайра структурасини бўзиш ва крахмални эритиш мақсадида дон ва картофель хом ашёсини сув билан пишириш.
2. Пиширилган массани совутиш ва крахмални ундирилган дон ёки ферментлар ёрдамида қандли моддаларга айлантириш.
3. Қандли моддани ачитки ёрдамида спиртга айлантириш.
4. Спиртни хайдаш ва ректификациялаш.

Бундан ташқари хом-ашёни пиширишга тайёрлаш, солод тайёрлаш ёки могол замбуругини таёрлаш .ачитқиларни устириш жараёнлари хам киради. Мелассадан спирт ишлаб чиқаришда юқорида кўрсатилган биринчи ва иккинчи жараёнлар ишлатилмайди.

Спирт ишлаб чиқаришда қўйидаги иккиламчи маҳсулотлар хосил бўлади: углевод диоксид,барда ,сивуха ёғлари ва эфир альдегидли фракция . Углевод диоксид спиртли бижгиш вақтида хосил бўлади. Уни йигиб тозаланилади ва суюқ ёки қаттиқ холга айлантирилади. Меласса бражкасидан спиртни хайдашдан олдин ачитқи ажратилади ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Спирт ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашелар.

Спирт ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом-ашелар хар йили етарли миқдорда тайёрланадиган бўлиши, қанд ва крахмални миқдори юқори ва яхши сақланадиган бўлиши керак. Ушбу талабларга картофель, дон ва меласса хом-ашеси жавоб беради.

Картофель. Картофель ўсимлик озуқа хом ашёлар ичидан спирт ишлаб

чиқаришда хама технологик талабларга түлик жавоб беради. Унинг хосилдорлиги (крахмал хисобида), донли махсулотларга нисбатан 3-4 марта кўпдир. У осон пиширилади, ачитқиларни озиқланиши учун азотли ва фосфорли моддалари бор, харакатланувчан сусла олинади. Картофельни қайта ишловчи корхоналарни унумдорлиги, донни кайта ишловчи корхоналарнидан 10% куп. Ёкилгини сарфланиши 12% кам, спиртни тан нархи кам.

Лекин камчиликлардан хам холи эмас. Картофельни экиб- устириш қўп меҳнат талаб қиласди, намликин кўплиги сақланишини қийинлаштиради, узоқ масофаларга ташиб самарасизроқ ва картофель хар хил касаллика осон чалинади. Намлиги 75%, курук моддалар микдори 25% ни ташкил этади.

Донли махсулотлар. Спирт ишлаб чиқариш учун хамма турдаги донли махсулотларни ишлатиш мумкин (маккажухори, арпа, буғдой, сули ва бошқалар). Бу мақсад учун озуқага ва емга яроқсиз донли махсулотларни хам ишлатиш мумкин.

Донли махсулотларни ўртача намлиги 14% ва курук моддаларни микдори 86% ташкил этади.

Меласса. Меласса деб - қанд лавлагидан ёки шакар қамишдан қанд ишлаб чиқаришда, қандни кристализация жараёнида хосил бўладиган суюқликка айтилади.

Меласса қуюқ суюқлик бўлиб, кора-жигар ранграб, карамел ва меланоидга хос специфик хидга эга. Спирт ишлаб чиқаришда меласса яхши хом-ашё хисобланади. Унинг таркибида қанд микдорини юқорилиги ачиткини хаёт фаолияти учун зарур моддаларни етарлиги бошқа хом-ашёларга нисбатан афзаллигидан дарак беради.

Мелассадан спирт ишлаб чиқаришда технологик жараён қискаради. Яъни хом-ашёни пишириш, крахмални қандли моддаларга айлантириш, солод ферменти ва моғор замбуруғу олиш жараёнлари олиб ташланади. Меласса сусласида декстринлар ва крахмал бўлмаган учун у тезрок бижгийди, спиртни микдори ошади. Дон картофели бардасига нисбатан, меласса бардасидан халқ хўжалиги учун зарур бўлган қимматли махсулотлар ишлаб чиқарилади.

Бошоқли ўсимликлар доналарида крахмал энг қўп микдорда буғдой (57% гача), маккажўхори (72% гача), шунингдек картошка туганакларида (24% гача) бўлади.

Крахмал донаси икки хил моддадан тузилган: амилоза микдори 10 дан 20% гача, амилопектин микдори 80-90% гача бўлади. Улар молекуляр массаси, тузилиш ва баъзи физик хоссалари билан бир-биридан фарқ

қилади.

Амилоза хам, амилопектин хам глюкоза қолдиқларидан ташкил топган, лекин тузилиши бир-биридан кескин фарқ қилади.

Амилоза-крахмал донасининг ички қисми. Худди малтозага ўхшаб 1-4 глюкозид боғи билан боғланган глюкоза молекуласи қолдиқлардан ташкил топган. Глюкоза қолдиқларнинг сони 200 тадан 900 тагача бўлиб, улар бир бири узун тўғри занжир холида боғланган бўлади.

Амилозанинг молекуляр массаси тахминан 200.00 у.б. га teng. Амилопектин-крахмал донасининг қобифи. Амилопектин малекуласида глюкоза қолдиқлари фақат 1 ва 4 углерод орқали эмас, балки яна 1 ва 6 углерод атомлари хам бир-бири билан глюкоза орқали боғланган холатда бўлганлиги учун, унинг молекуласи тармоқланган тузилиши эга бўлади.

Амилопектин молекуласидаги глюкоза қолдиқларининг сони амилозанидан анча кўп бўлиб. Улар 600 тадан 6.000 тагача бўлади. Шунинг учун унинг молекуляр массаси 1.000.000 у.б. гача бўлади.

Ферментатив гидролизда ферментлар асосан α -1-4 боғланишдаги глюкозид-глюкозид, яъни амилозани гидролизлайди; α -1-6 боғлар эса, гидролизланмайди. Шунинг учун бундай гидролизланишда асосан амилоза, амилопектин эса атиги 60% парчаланади.

Крахмал иссиқ сувда бўкиб, клейстер хосил ходисасига-клейстрланиш деб аталади.

Бунда сув крахмал доначалари ички структурасига ўтганлиги сабабли, уларнинг таранглигини бўшашади.

Клейстрланиш икки турга бўлинади:

1. Чекланган бўкиш-бунда крахмал донадлари ўзининг структурасини қисман сақлаб қолади.

2. Чекланмаган бўкиш-крахмал доначасининг структураси батамом бўзиладида, коллоид эритма-крахмал клейстер хосил бўлади.

Крахмал молекулалари хам чизиқсимон, хам тармоқланган структурага эга бўлганлиги учун, целлюлозадан фарқ қилади.

Бу моддаларнинг тузилишида хам фарқ бор: крахмал тўғрироғи амилоза макромолекулалари α -глюкоза молекулаларининг қолдиқларидан, яъни α -1-4 глюкозид боғлари орқали боғланган бўлса, целлюлоза макромолекулалари эса β -глюкоза малекулаларининг қолдиқларидан тузилган бўлиб, улар β -1-4 глюкозид боғлари орқали боғланган бўлади. Амилолитик фермент манбай сифатида ундирилган буғдой (еки бошқа донли маҳсулотлар) ва микроорганизмлардан олинган фермент перпаратлари кенг қўлланилади.

Крахмал тўлик қандли моддаларга айлантириш учун α -, β - ва

глюкоамилаза ферментлари ишлатилади.

□-амилаза таъсирида крахмал молекуласи декстрингача парчаланади сўнгра камроқ мальтоза, мальтотриоза ва глюкоза хосил бўлади.

□- амилаза амилоза ва амилопектин малекуласида иккинчи глюкозид боғга таъсир этади ва натижада мальтоза хосил бўлади. Шунинг учун □- амилазани қандлаштирувчи фермент дейилади.

Донли хом-ашё таркибидаги қуруқ моддаларни асосий кисмини крахмал ташкил қиласди, лекин ачитқилар таъсирида бижғимайди. Шунинг учун уни бижгийдиган қандли моддаларга айлантириш керак. Бу жараён амилолитик ферментлар ёрдамида амалга оширилади.

Дон таркибидаги крахмал эримайдиган холатда хужайра ичида жойлашгани учун, амилолитик ферментлар уни гидролизлай олмайди ва хужайра қобиғи унга тўсқинлик қиласди.

Крахмал эримаган холатда жуда кийин гидролизланади, шунинг учун спирт ишлаб чиқариш технологиясида 1 навбатда крахмалли хом-ашёларга оби-оташли ишлов берилади.

Крахмалли хом-ашёларни майдалашда ва оби-оташли ишлов бериш натижасида хужайра тўлиқ бузилади ва крахмал эриган холатга ўтади.

Шу йусинда тайёрланган крахмалли масса амилолитик ферментлар учун мутаъдил шароитда гидролизланади. Натижада крахмал бижгийдиган қандли моддаларга айланади.

Олдиндан қўлланиб келинаётган солодни амилолитик ферментлари крахмални тўлиқ ва чуқур гидролизлаши натижасида бижғиш жараёни 3 кунни ташкил этган. Солод таркибидаги ферментлар нафақат крахмални қандли моддаларга, шу билан бирга оқсилларни аминокислоталарга (7% дан 32% гача) гидролизлаб ачитқилар учун азотли озука манбаи яратади. Солод олиш технологияси қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади. Донни сув билан хўллаш, уни ўстириш ва солод сутини олиш. Спирт ишлаб чиқариш корхоналарида асосан куритилмаган солод ишлатилади. Чунки куритиш жараёнида амилотик ферментларни активлиги 25-30% цитолитик активлиги 4 марта тушиб кетади.

Бу ерда шуни айтиш керакки, солод таркибида амилолитик ферментлардан ташкари протеолитик, цитолитик ферментларга хам бой. Шунинг учун солод ферменти ёрдамида олинган сусла, яхши бижгийди ва олинаётган спиртни сифати хам юқори бўлади.

Альфа-амилаза (термамил) анча борқарор бўлади. Уларнинг муайян хароратдаги фаолияти 80-90⁰C ташкил этади. Баъзи ферментларни муайян хароратдаги фаолияти 90⁰C дан 130⁰C этиши мумкин.

Шу ферментлар ичида баъзилари pH кўрсаткичи 1-3 бўлганда хам, ўз

фаолигини кўрсатади, бошқалар эса pH 12.

Сўнги йилларда крахмалли хом ашёларни спиртга қайта ишлашда амилолитик ферментлар билан бирга протеолитик, цитолитик ва бошқа гидролитик ферментлар хам қўлланилмоқда.

Донли махсулотни қайта ишлашга тайёрлаш.

Ишлаб чикиришга келадиган хамма донли махсулотлар чангдан, тупроқдан, металл ва бошқа жисмлардан тозаланиши керак. Солод тайёрлаш учун ишлатиладаган дон, дон оқшолардан ва бегона ўсимлик уруғларидан тозалинади. Бунинг учун сепарация усулидан фойдалинади.

Хаво-галвири сепарация.

Дон таркиби бегона ўсимлик уруғлари бир биридан катта кичиклиги ва аэродинамик хусусиятлари билан фарқ қиласи ва хаво-галвири сепараторда осонлик билан тозаланилади.

Магнитли сепарация .

Майдага темирли қириндилар дон таркибидан магнитли сепараторлар ёрдамида ажратилади. Тахтали желобни тагига доимий магнит ўрнатилади. Тахтали желоб қия қилиб ўрнатилган бўлади. Дон ушбу юзадан ўтаётганда металл заррачалар ушланиб қолинади ва вақти-вақти билан олиб ташланади. Доимий магнитли сепарвтор 40^0 бурчаг шаклида ўрнатилади. Магнит майдон 288 дан 816 мм ва тортиш кучи 88,3 Н ва донни ўтказиш қуввати 1,08 дан 3,08 т/соатни ташкил этади.

Донни бегона ўсимлик уруғларидан ажратиш.

Элаклар орқали донли махсулотлар узунлиги ва кенглиги орқали ажратиш мумкин. Узунлиги билан фарқланувчи донни триер деб аталувчи машиналарда ажратилади. машинани ишчи органи бўлиб цилиндр ёки ячейкаси бўлган диск хисобланад .

Спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарда цилиндрик триерлар қўлланилади. Цилиндрик триерни ички қисми ярим шар шаклида чунтак уйилган бўлади. Арпани тозалашда унинг размери 6,25 – 6,5 мм бўлиши кера.

1 м² юзада 30 мингта ячейка бўлади . Барабан қия қилиб ўрнатилади. 1м узунликка 75-100 мм кия бўлиши керак . Барабан 10-20 айланма /мин тезлиқда айлантирилади. Солод таёrlаш учун ишлатиладиган донни ажратиш учун навларга ажратадиган машиналардан фойдаланилади. Уларни цилиндрик барабани металл тур билан қопланган бўлади. 1 ва 2 навлар солод (ундирилган дон) таёrlашга ишлатилади ,3 нав сусла пиширишга кетади .

Донли махсулотларни қабул қилиш ва сақлаш.

Солод таёrlаш учун (унган дон олиш учун) юқори сифатли дон

ишлатилади.

Дон махсулотлари сифати бўйича 4 даражага бўлинади: 1-чи биологик уйкудан чиқсан дон махсулотлари ,солод хид берувчи; 2-чи мөғоллаган дон; Зчи- сассиқ хидли дон, 4чи- қора рангли, ўзини қизиши натижасида куйган дон.

Спирт ишлаб чиқариш учун қуриб кетган , намлиги юқори бўлган қизиган, қор тагида қолиб кетган, ва бошқа турдаги сифати паст бўлган донлар ишлатиш мумкин.

Дон махсулотлари хам юк машиналарида, автосамосвалларда, темир йўл вагонларида ташилади.

Темир йўл вагонларида олиб келинган дон механик курак ёрдамида қабул қилувчи бункерга туширилади. Бункердан ковушли элеватор занжирли конвейерга берилади. Ундан кейин магнитли колонкадан ўтказилади. Колонкадан дон желоб орқали қўш элеваторга тушади. Элеватордан желоб орқали тороз устидаги бункерга, торозда тортилгандан сўнг элеваторни 2 кисмига тушади ва желоб орқали занжирли конвейерга тушади. Ундан кейин дон силосларга ғамланади. Кейин эса конвейер орқали машиналарга юкланди.

Дон саклаш. Дон махсулотлари омборларида очик холатларда ва ёпик холатларда сакланади. Иккила усулда хам улар чангдан ва хар хил жинслардан тозаланиши керак. Шунинг учун сепароторлар билан таъминланган булиши керак . Иккала усулида хам донни намлигига караб ва йил фаслига караб дон хар хил калинликда тукилади . Донни нам холатида ва куз фаслида уни калинлиги 1,5 м дан ошмаллиги керак . Дон маълум вактгача тургандан сунг, катлам кузга келиб 2-3 м гача оширилади ва кишига келиб 4 метргача кутарилади.

Донни қурт-кумискалардан саклаш учун омборлар химикатлар билан заарсизлантиради. Сичкон ва каламушлар саклаш мақсадида девор ёнидан пол 1м оралигига бетон билан етказилади ва силликланади.

Сапеткалар. Сапеткалар бу узун тахтадан килинган омбор. Девори по тахтадан тиркиш колдириб ишланган. Томи хам тахтадан ёки черепицадан ишланади . Сапеткалар кенглиги ва баландлиги 2м ва узунлиги 30 м булади. Поли ердан 30-50 см кутарилган булади.

Хаво яхши айланиши учун сапеткалар шамол йуналишига препендикуляр килиб курилади

Донларга сув-иссиқлик ишлови беришдан асосий мақсад хом ашё таркибидаги крахмални солод амилолитик ферментлари ёки микроорганизмлар фермент препаратлари ёрдамида қандлаштиришга тайёрлашдир. Қандлаштириш жараёни крахмал ферментлар таъсири учун

кулай (яъни ҳужайра девори билан ҳимояланмаган) ва эритилган ҳолатда бўлгандагина тўлиқ ва тез боради. Ушбу жараённи амалга ошириш учун бутун хом ашёга юқори босим остида ишлов берилади (спирт саноатида пишириш дейилади) ёки хом ашё маҳсус ускуналарда механик равишда ўта янчилади ёки хом ашё заррачалари ўлчами маълум ўлчамгача янчилгандан сўнг босим остида пиширилади (усул қўшма усул ҳам дейилади).

Хом ашёни крахмал донларидан ҳам кичик ўлчамли заррачаларга эзишда крахмал донларининг ўзи ҳам, ҳужайра девори ҳам механик парчаланади. Натижада крахмал 60-80°C ҳароратли сувда эрийдиган, амилолитик ферментлар (табиатидан қатъий назар) томонидан парчаланадиган бўлиб қолади.

Хом ашё пишириш олди қозонида 60-90°C ҳароратли сув билан 1:2,5÷3,5 гидромодулда аралаштирилади. Бир вақтнинг ўзида хом ашё ва сув аралашмаси иккиласми буғ билан иситилади. Сўнгра хом ашё пишириш қозонида ўткир сув буғининг юқори босими остида пиширилади

Янгийўл шахридаги «Биохим» АЖ, Қўқон шахридаги «Қўқон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижон шахридаги «Биохимзавод» заводларида крахмал сақловчи хом ашё узлуксиз усулда пиширилади.

Янчилган доннинг сув билан бир хил жинсли ҳолатга келгунча аралаштирилган массасини ускунага юбориш эса ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Бундан ташқари янчилган хом ашёни қайта ишлаш пишириш режимини юмшатишга ва, шу туфайли, ўзлаштириладиган қандлар йўқотилишини камайтириб, спирт чиқишини ошириш имконини беради.

Айрим заводларда икки босқичли эзиш – олдин болғали сўнгра, валкали ускуналар қўллаш орқали тешигининг диаметри 1 мм бўлган элакдан янчилган хом ашёнинг 90 % ўтадиган даражада олиб келинмоқда.

Ишлаб чиқаришда бактериялар ёрдамида ишлаб чиқарилган α-амилазадан фойдаланганда бирламчи пиширишни 95-98°C ҳароратда олиб бориш ва хом ашё тўлиқ бўкиши, клейстрланиши ва декстринларгача парчаланиши учун 15-20 дақиқа сақлашга рухсат берилади.

Пиширилган масса 53-55 С гача совутилали ва қандлаштириш сифимига берила. Сўнгра ароалаштирилиб турган холда β-амилаза берилади. Бунинг учукн ускуна тўлиқ ҳажмининг 75-80 %-игача пиширилган масса билан тўлдирилади. Шарбатнинг ускунада бўлиш вақти 20-25 дақиқага teng. Совутиш учун ишлатиладиган, ҳарорати 10-15°C бўлган сув сарфи 1 м³ шарбатга 0,8-1,0 м³ ни ташкил қиласи.

Шарбат қабул қилинган бижғитиш усулига боғлиқ ҳолда маълум ҳарорат катталигигача: 48 соатли бижғитиш усулида $25\text{-}26^{\circ}\text{C}$ гача, 72 соатли бижғитиш усулида эса $18\text{-}20^{\circ}\text{C}$ гача совутилади. Совутилаётган шарбат ҳарорати автоматик равишда меъёрланади. Меъёрлаш шарбат чиқиши қувуридаги гильзада ўрнатилган манометрик термометрнинг иссиқлик алмашиниш ускунасига сув берувчи механизмига таъсир қилиш билан амалга оширилади.

Сусладаги қанд спиртга *Saccharomyces cervisiae* ачитқилари ёрдамида бижғийди. *Saccharomyces cerevisiae* ачитқиси аскомицетлар (халтали замбуруғлар) синфига мансуб, бир ҳужайрали микроорганизмлардир.

Спирт ишлаб чиқариш саноатида етилган ачитқилар деб шарбатдаги куруқ моддаларнинг $1/3$ қисмини бижғитишдан ҳосил бўлган массага айтилади. Спирт саноатида ачитқилар даврий, ярим узлуксиз ва узлуксиз усулларда етиштирилади.

Шарбатни тайёrlаш ва ачитқиларни етиштириш жараёнлари бирин кетин битта ускунада – ачитқи биогенераторида амалга оширилади. Ачитқи биогенератори герметик ёпиқ сифим бўлиб, унда иккита змеевик (буғ ва сув учун) ва аралаштиргич ўрнатилган. Одатда, ачитқи биогенератори ҳажми бижғитиш чани ҳажмининг 6-8 фоизигача, сони эса бижғитиш чани сонига teng бўлади (ачитқилар сульфат кислотаси қўшиш билан етиштирилганда).

Микроорганизмлар ўсишнинг барқарор бўлган даврида ачитқининг хамиртуруши сифатида олдинги циклда фаол ўсаётганлардан маълум бир ҳажмини олиб ишлатиш мумкин. Ачитқилар етиштириш бўлимида бир икки дона йиғиш сифими ўрнатилган бўлиб, буларда янги муҳитга экиладиган ачитқилар сақланади. Ушбу йиғичлар ҳар бирининг ҳажми ачитқилар биогенератори ҳажмининг 10 фоизига teng бўлади.

Ачитқиларни ачитқи биогенераторида ўстиришдан олдин ускуна сув билан ювилади, буғ билан стерилизацияланади. Ачитқи биогенератори совугандан сўнг унга $55\text{-}58^{\circ}\text{C}$ ҳароратли шарбат ва азотли озуқа модда сифатида солод шарбати (ёки мочевина) солинади.

Совутилган шарбат кислоталилигини ошириш учун сульфат кислотаси солинади. Донли хом ашёдан тайёrlangan шарбат кислоталилиги $0,7\text{-}0,9^{\circ}$, картошкадан тайёrlangan шарбатда эса $0,9\text{-}1,2^{\circ}$ ва pH-и $3,8\text{-}4,0$ бўлишига эришилади.

Шарбат қайси усулдан тайёrlанишидан қатъий назар ҳарорати 30°C гача совутилади ва ачитқи биогенератори ҳажмига нисбатан 6-8 % миқдорда ачитқи киритилади. Муҳит аралаштирилгач $22\text{-}24^{\circ}\text{C}$ совутилади. Ачитқини ўстириш $26\text{-}29^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 18-22 соат давом этади. Муҳитда

ачитқи концентрацияси ошгунча бегона микрофлора кўпайшининг олдини олиш мақсадида жараён 22-24°C ҳароратда бошланади. Ачитқи сони ошгандан сўнг муҳитга инфекция тушишининг эҳтимоллиги камаяди.

Ачитқиларни ўстиришда шарбат концентрацияси 17-18 % дан 5-6 % гача камаяди ва муҳитда 5 % ҳ. гача этил спирти ҳосил бўлади. Шарбат кислоталилиги 0,05° га ошганда ачитқилар яроқсиз деб топилади. Етилган ачитқилар хужайрасида кўп миқдорда гликоген, куртакланаётганлари миқдори 3-4 %, ўлганлари миқдори кўпи билан 1 % бўлиши ва муҳитда бегона микрофлора умуман бўлмаслиги лозим.

Ачитмадан ҳом спиртни ажратиш

Ҳом спирт бир ва икки колоннали ректификация ускуналари ёрдамида олинади. Бир колоннали ҳом спирт ускунаси тўлиқ ректификация колоннаси, дефлегматор ва совутгичдан иборат. Бўтқа узлуксиз равища юборилиб турилади. У дефлегматорда қиздирилгач колоннанинг ўрта қисмига келиб тушади. Колоннанинг бўтқа киритиш жойидан (тарелкасидан) остки қисми бўтқадан спиртни ҳайдаш учун хизмат қилади. Ҳайдаш колоннаси, одатда, 18-20 та тарелкадан иборат. Спиртни ва учувчан қўшимчаларни ажратиш қарама-қарши оқим билан ҳаракатланадиган буғ ва суюқлик ёрдамида амалга оширилади. Буғ ҳайдаш колоннасининг остидан киритилади. Спирти ҳайдалган бўтқа барда деб номланади ва у узлуксиз равища колоннадан чиқарилади.

Ҳом ашё ректификация ускуналарининг меъёрий унумдорлиги колонна диаметри, тарелкалар сони ва уларнинг турига боғлиқ.

Буғ ва сув сарфи кенг кўламда ўзгариб туради, асосан, ҳом спирт қуввати, бўтқа қуввати ва қурилма конструкциясига боғлиқ бўлади. 1 дал ҳом спирт ишлаб чиқариш учун 18-26 кг буғ ва 0,1-0,15 м³ сув сарфланади. Бўтқанинг қуввати қанчалик паст бўлиб, ҳом спирт қуввати шунчалик юқори бўлса, буғ ва сув сарфи шунчалик ортади. Ҳом спиртнинг йўқотилиши бўтқа билан киритилган спирт миқдорига нисбатан 0,3 % дан ошмаслиги лозим.

Ректификация деб бир-биридан учувчанликлари билан фарқ қилувчи суюқликлар аралашмасини компонентларга ёки фракцияларга ажратишга айтилади. Ректификация бир-бирига қарама-қарши оқимда ҳаракатланувчи буғ ва суюқлик оқими – флегма – орасида икки томонлама борадиган масса ва иссиқлик алмашинуви билан амалга оширилади.

Ректификация жараёнида фазаларнинг ўзаро таъсири натижасида енгил учувчан компонент (е.у.к.) суюқлиқдан буғга, қийин учувчан компонент (к.у.к.) эса, аксинча, буғдан суюқликка ўтади. Оқимларнинг таъсир усули

босқичли (тарелкали колонналарда) ва узлуксиз (насадкали колонналарда) бўлиши мумкин.

Бражканинг учувчан қисми бешта асосий компонентлар ёки уларнинг гурухлари: этил спирти (С), бош қўшимчалар (БҚ), оралиқ қўшимчалар (Ор), охирги қўшимчалар (Ох) ва кет қўшимчалар (К)дан иборат. Охирги ва оралиқ қўшимчалар спирт концентрациясига боғлиқ ҳолда бош ёки кет қўшимчаларга киритилиши мумкин. Шунинг учун ушбу аралашма уч компонентли система (С, БҚ, К) сифатида қаралади. Уч компонентли аралашмани ажратиш учун икки колоннанинг бўлиши етарли ҳисобланади.

1-расмда билвоиста ишловчи қурилманинг технологик схемаси келтирилган. Бўтқа ҳайдаш колоннасида 23 та бир қалпоқли икки марта қайнатувчи тарелка ўрнатилган бўлиб, улар орасидаги масофа 280-340 мм ни ташкил этади. Айрим ҳолларда 24 та элакли тарелка ўрнатилиб, улар орасидаги масофа 500-550 мм га teng бўлади. Ишлаб чиқариш қуввати бир кеча-кундузда 3000 дал ва ундан ортиқ бўлган заводлар бўтқа ҳайдаш колонналарида элакли тарелка ўрнатилади.

Эпюрация колонналарида эса заводнинг ишлаб чиқариш қувватидан қатъий назар 39-40 та кўп қалпоқли тарелка ўрнатилади ва улар орасидаги масофа 170 мм ташкил этади. Колоннани озуқлантириш пастдан саналганда 20, 27 ёки 30-тарелкадан амалга оширилади.

Спирт колоннасида 71-74 дона кўп қалпоқли тарелка ўрнатилади ва улар орасидаги масофа ҳам 170 мм ташкил этади. Колоннани озуқлантириш пастдан санаганда 16-тарелкадан амалга оширилади.


Колонналар ёпиқ ёки очиқ (мос равишда ўткир ва ўтмас) буғ билан иситилади. Колоннани очиқ усулда иситиш, одатда, мелассани қайта ишловчи заводларда кўпроқ фойдаланилади. Ҳамма колонналар улардан чиқаётган бугни конденсациялаш учун хизмат қиласиган иссиқлик алмашиниш ускуналари билан таъминланган. Бўтқа ҳайдаш колоннасидан чиқаётган спирт-сув буғи кўпик ва томчиларни ушлаб қолиш учун сепаратор-сақлагичдан ўтказилади (айрим ҳолларда сепаратор колонна ичida ҳам ўрнатилади) ва бўтқани қиздириб берувчи иссиқлик алмашиниш ускунасида конденсацияланади. Буғнинг конденсацияланмаган қисми қўшимча ўрнатилган конденсатор ичидаги қувур бўйлаб ҳаракатланувчи сув ёрдамида конденсацияланади. Бўтқа дистилляти эпюрацион колоннани озуқлантиришга юборилади.

Бўтқа ҳайдаш колоннасига тушаётган бўтқа иссиқлик алмашиниш қурилмасида қизидирилади, сепаратордан ўтказиш орқали CO_2 ва конденсацияланмайдиган бошқа газлардан бартараф қилинади. Сўнгра эса бўтқа ҳайдаш колоннасига киритилади. Конденсацияланмаган газлар

билин биргаликда у ёки бу миқдорда спирт ҳам олиб кетилади. Ушбу газлар конденсаторлар ёрдамида ушлаб қолинади. Ушбу спирт эпюрация колоннасининг юқори қисмига йўналтирилади. Бўтқа ҳайдаш колоннасининг остки қисмидаги барда чиқарувчи қурилма ёки гидравлик затвор ўрнатилади ва улар намуна совутгичи билан таъминланади.

Эпюрация колоннасидан чиқаётган буғ сувга ўз иссиқлигини бериш туфайли дефлегматор ва конденсаторда конденсацияланади. Конденсаторда конденсацияланган буғда бош ва охирги қўшимчалар концентрацияси юқори бўлганлиги сабабли бош фракция (БФ) деб номланади.

Бош қўшимчалардан тўлиқ ва охирги қўшимчалардан қисман тозаланган бўтқа дистилляти эпюрат деб номланади. Эпюрат дефлегматор ва конденсатор билан таъминланган спирт колоннасини озуклантиришга юборилади: спирт колоннасидан чиқаётган буғнинг асосий массаси дефлегматорда конденсацияланади ва пастеризацияланмаган спирт кўринишида эпюрацион колоннанинг юқорисига юборилади. Ушбу конденсат билан спирт колоннасининг пастеризациялаш қисмидаги (ректификатланган спирт олиш жойидан юқори қисми) йигилиб конденсацияланган бош ва охирги қўшимчалар бартараф қилинади. Спирт колоннасидан чиқаётган буғлар конденсацияси иссиқликни сувга бериш ҳисобида амалга оширилади.



1-расм. Билвосита ишловчи уч колоннали бўтқаректификациялаш қурилмаси:

1 – бўтқа ҳайдаш колоннаси; 2 – эпюрацион колонна; 3 – спирт колоннаси;
4 – CO₂ сепаратори конденсатори; 5 – CO₂ сепаратори; 6 – бўтқа ҳайдаш колоннасининг асосий конденсатори; 7 – бўтқа ҳайдаш колоннасининг конденсатори; 8 – бўтқа қиздиргич; 9 – сепаратор-ушлагич; 10 – вакуум узгичлар; 11 – бошқариш клапанлари, 12 – намуна совутгичлари; 13 – гидрозатворлар; 14 – спирт ушлагич; 15 – эпюрация колоннаси дефлегматори; 16 – эпюрацион колонна конденсатори; 17 – спирт колоннаси дефлегматори; 18 – спирт колоннаси конденсатори; 19 – фонарь; 20 – спирт совутгичи, 21 – сивуш фракцияси совутгичи; 22 – сивуш мойи экстрактори; 23 – назорат снаряди; А – бўтқа; С – сув; К – конденсацияланмаган газлар; Б' – қиздириш буғи; РС – ректификатланган спирт; СМ – сивуш мойи, БФ – бош фракция

Ректификатланган (пастеризацияланган) спирт спирт колоннасининг юқорисидан санаганда 3, 7, 8 ёки 10-тарелкадан олинади. Ректификатланган спирт совутгичда совутилади, назорат снарядидан ўтади ва спирт қабул қилиш бўлимига тушади. Спирт колоннасидан оралиқ қўшимчалар икки маҳсулот сифатида чиқарилади: сивуш фракцияси (колоннанинг тубидан хисобланганда 5, 7, 9 ёки 11-тарелкадан буғ кўринишида) ва сивуш спирти (колоннанинг остидан ҳисоблаганда 17-21 ва 25-тарелкалардан суюқлик кўринишида). Сивуш фракцияси билан қўйи оралиқ қўшимчалар – изоамил ва изобутил ҳамда қисман пропил спиртлари; сивуш спирти билан эса юқори оралиқ қўшимчалар (эфирлар ва қисман пропил спирти) чиқарилади.

Сивуш фракцияси конденсациялангандан, совутилгандан ва таркибидаги этил спирти ажратилгандан сўнг сивуш мойи олинади. Сивуш мойи қўшимча маҳсулот бўлиб хисобланади. Сивуш спирти ҳам совутилади ва қурилмадан қўшимча маҳсулот кўринишида чиқарилади. Лютер суви гидравлик затвор орқали бартараф қилинади. Конденсацияланмаган газлар билан чиқиб кетадиган спирт буғларини тўла ушлаб қолиш учун конденсаторларни ҳаво билан бириктирувчи қувурлар спирт ушлагич билан туташтирилади.

Назорат саволлари.

- Хом ашёга гидро-термик ишлов беришни мохиятини тушунтириб беринг.

2. Даврий пишириш усулининг камчилик ва афзаликларини тушунтириб беринг.
3. Уч босқичли ярим узлуксиз пишириш усулининг ишлаш принципини тушунтириб беринг.
4. Қандлаштириш жараёнини мохияти.
5. Бир босқичли қандлаштириш усули.
6. Бир босқичли вакуум совутиш ё'ли билан қандлаштириш.
7. Узлуксиз қандлаштириш.
8. Хом спирт олиш технологиясини тушинтириб беринг
9. Ректификация деб нимага айтилади?

Адабиётлар

1. R Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering, Fifth Edition (Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар).

Маъруза 4

Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш технологияси.

Режа

1. Алкоголсиз ва кам алкоголли ичимликлар
2. Газланган сувни тайёрланиши.
3. Концентрланган квас тайёрлаш

Таянч сўзлар: алкоголсиз ичимлик, газли сув, газли ширали сув, лимонад, газли мева суви, ўсимликлар дамламаси, витаминлаштирилган ичимликлар, қанд қиёми, инверсия, инверсланган қиём, сатурациялаш, рецептура, купаж, квас, фильтрлаш, жавдар, тиндириш, сусла, бижғитиш.

КИРИШ

Жаҳонда ичимликларнинг ниҳоятда ҳилма-хил турлари бор, булар тайёрлаш усули, ишлатиладиган ҳомашёси, таъми – мазаси жиҳатидан фарқ қиласи. Турли ҳалқлар мавжуд маҳаллий масаллиқларга, маҳаллий одат ва расм русмларга қараб қадимдан ҳар хил ичимликларни истеъмол қилиб келишади.

Қадим-қадим замонларда ёқ инсон ҳар хил ичимликларни истеъмол қила бошлаган. Бироқ сунъий газланган алкоголсиз ичимликлар фақат XIX асрда кенг кўламда ишлаб чиқарила бошлаган ва уларни карбонат кислота

билин түйинтириш усуллари ҳамда аппарати-сатуратор кашф этилгандан кейин бу иш янада ривожланган. Жорий асрнинг 20 йилларида газланган сувларни шиша идишларга изобарик қуиши машиналари яратилгандан ва компрессор совуткич қурилмалари ишлаб чиқариш ривожлангандан кейин сунъий газланган ичимликларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш айниқса тез ривожланди.

Бижғитиб тайёрланган ҳар хил салқин ичимликларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш қадимдан маълум эди. Ўша вақтда ҳамма жойда ажойиб, севиб истеъмол қилинадиган нон кваси, ҳар хил мева, резавор мева ва сабзавотлардан тайёрланган кваслар, мева ва резавор мева ичимликлари, морслар, асал ва асалли ичимликларни истеъмол қилиш кенг расм бўлган. Шуниси ҳарактерлики, ўша вақтда халқ квас ва асалли ичимлик тайёрлашда сут кислотали ва спиртли бижғитиши биргаликда қўллаш усулидан кенг фойдаланган. Бижғиши натижасида ҳосил бўладиган карбонат ангидрид гази билан тўйинган ичимликлар ўзига ҳос ва шу билан бирга юқори органолептик афзалликка, яъни мазаси ёқимли, хушбўй ва салқинлантирувчи ҳоссага эга бўлган.

Маълумки, инсон яшаши ва организмнинг тарақкий этиши учун табиат неъматлари, озиқ-овқат маҳсулотларидан ва турли ҳил шифобаҳш ичимликлардан маълум миқдорда истеъмол қилиб туради. Бу ҳаётбахш омиллар ўз навбатида етарли миқдорда оқсиллар, углеводлар, ёғлар, витаминалар, минерал тузлар, микроэлементлар ва бошқа биологик актив бирикмаларга эга бўлиши лозим.

Мамлакатимизда алкогизиз ичимликлар ишлаб чиқариш уч асосий йуналишда ривожланмоқда:

- 1) асосан табиий мева, резавор мева шарбатлари ва цитрус мевалар шарбатидан ичимликлар ишлаб чиқариш;
- 2) нон кваси ишлаб чиқариш;
- 3) дам олиш жойларидан ташқари фойдаланиш учун турли минерал сувларни чиқариб, улардан саноат миқёсида фойдаланиш.

Алкоголизиз ичимликлар тайёрлаш учун табиий мева, резавор мева ва цитрус мевалар шарбатларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни янги ягона рецептура асосига кўчириш газланган ичимликлар сифатини кескин оширишга, исрофгарчиликни камайтиришга ва маҳсулот чиқишини кўпайтиришга имкон берди. Саноатни ишлаб чиқариш- техника базасини кенгайтириш ва уни энг янги жиҳозлар билан таъминлаш қисқа давр ичida бутилкаларда газланган ичимликлар ишлаб чиқаришни анчагина кўпайтиришга имкон берди.

Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бир вактда квас пишириш, айниқса нон кваси тайёрлашни кенгайтириш чоралари ҳам амалга оширилган, чунки мамлакатимиздаги кўпгина йирик пиво заводларида квас чиқариш тўхтатилган эди. Мамлакатимизда минерал ва шифобахш сувларнинг қўп табиий манбалари ва конларини ўзлаштириб, улардан дам олиш жойлари (курортлар)дан ташқарида кенг фойдаланишга катта эътибор берилади. Табиий манбалар минерал сувларининг шифобахш ҳоссаларини инсоният жуда қадимдан билган. Бутун дунёда бундай сувлардан 3000 йилдан ортиқ вақтдан бери кенг фойдаланилади.

Аҳоли учун юқори сифатли ва кенг ассортиментдаги мўл-қўл озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиши зарур бўлган озиқ-овқат саноатининг барча тармоқларига катта вазифалар юкланган. Шунга кўра, аҳолининг сифатли алкогиз ичимликлар ва табиий минерал сувларга бўлган тез ўсиб борувчи талабини ҳамма жойда тўлиқ қондиришда катта аҳамиятга эга. Саноатдаги ишчилар, мутаҳассислар колективининг ижодий кучи қуидаги асосий масалаларни ҳал этишга қаратилиши керак:

1) иқтисодий районлардаги техник жиҳатдан яҳши таъминланган асосий йирик корҳоналарда алкогиз ичимлик тайёрланадиган ён-атроф корҳоналарини таъминлаш учун ичимликлар учун купаж сиропи композицияси ва нон кваси учун концентрланган шинни (сусло) тайёрланадиган марказлаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

2) алкогиз ичимликларни купажлашда газлаштириш ва бутилкаларга қуиши процессларини комплекс меҳанизациялаштириш ва автоматлаштириш;

3) алкогиз ичимликлар билан ҳозирги барча замонавий талабларга жавоб берадиган маданий савдо қилишни ташкил этиш. Бунинг учун ичимликларни муздек сақлашни ташкил этиш ва шундай ҳолда аҳолига сотиш шароитини яратиш зарур;

4) саноат учун етарли ва доимий ҳомашё базасини ташкил этиш;

5) алкогиз ичимликлар ишлаб чиқариладиган жуда қўп асосий ва прогрессив технологик жиҳозлар билан таъминлаш. Булар ишлаб чиқариш процессларини комплекс меҳанизациялаштириш ва автоматлаштиришга ҳамма жойда етарли микдорда сифатли алкогиз ичимликлар ва табиий минерал сувлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Сув организмдаги масса алмашинуvida мухим роль ўйнайди. Одам организми сув балансини бузилишига уда сезгир. Йўқотилган сувни ўрнини фақат оддий сув билан тўлдириш мумкин эмас, чунки бунда бир

қисм тузлар хам тери орқали йўқотилади. Шунинг учун хозирда хар хил витамины, минералли ва газланган ичимликларга эҳтиёж кучли.

Чанқоқбосди ичимликлардан газли сув ва газланган мевали ичимликларга ахоли ўрасида эҳтиёж катта. Шунингдек ёзниг иссиқ куналарида квасга бўлган талаб хам ошади. У чанқоқни босади ва одамнинг хаёт тонусини оширади.

Квас жавдар уни ва жавдар солодидан тайёрланиб унда В₁ витамини мавжуд.

Шунингдек даволовчи хусусиятларга эга бўлган табиий минерал сувларга бўлган талаб хам кундан кунга ошмоқда. Масалан: Нарзан, Баржом.

Хозирда мамлакатимизда қуйидаги алкоголсиз ичимликлар тайёрланмоқда: газли мевали ичимликлар, сунъий ва табиий минерал сувлар. CO₂ гази билан тўйинтиришда ичимликларнинг биологик барқарорлиги ошади.

Газли сув: газли сувда сунъий усул билан 0,5-0,6 мн\м² босим остида CO₂ гази билан (конц. 0,4-0,5% масса) тўйинтирилади. Бунда сув сал нордонроқ ва чанқоқни тез босувчан бўлади.

Газлаштирилган мевали сувлар. Бу хам CO₂ газига тўйинган, қанд, мевалар соки, морс, ароматли эссенциялар қўшилган, озиқ-овқат кислотаси, вино, бўёқ моддалар ва бошқа компонентлар қўшилиб тайёрланади.

Қиёмга кирадиган компонетларга боғлиқ холда б уичимлклар бирбиридан фарқланади: морс ва табиий мева шарбатларидан тайёрланган, цитрус мевалар настойкалардан тайёрланган, мураккаб ароматли композициялардан вино, мева шарбати ва ароматли настойкалардан тайёрланади.

Чет элда Кока-кола ва Пепси кола хозирда жуда машхур. Коланинг асосий компонентини кока (*Erythroxylcocadam*) баргининг экстракти (таркибида кокаин бор) ва кола (*cola acuminata*) ёнғоқ экстракти ва шунингдек кофеин бор теобромин ишлатилади. Кола ичимлигининг асосий таркибий қисми махфий сақланади, ундаги жудаям қўп аромат моддалар унинг таркибини ўрганишга йўл қўймайди. 200 мл кола ичимлиги 10 чашка ўткир табиий кофе ичган билан тенгдир, унинг барқарорлигини ошириш учун консерваловчи модда сифатида натрий бензоат қўшилади. Қўп истеъмол қилиш эса унга ўрганиб қолишни келтириб чиқаради.

Сувни сунъий CO₂ гази билан тўйинтириш сатурация дейилади. Газни суюқликда эриши абсорбция жараёни дейилади.



Реакция чап томонга тезроқ боради.

Абсорбция жараёнига газнинг ва суюқликнинг табиати ва суюқлик устидаги газнинг парциал босими, эритма харорати, ундаги электролит ва коллоидларнинг микдори таъсир кўрсатади. Босим ошиши билан газларнинг суюқлиқдаги эриши ортади. Масалан: 1 атм дан 4 атм гача CO_2 эрувчанлиги 3 марта ортади.

Харорат ошиши эса эрувчанликка тескари таъсир этади. Сувдаги эриган тузлар хам газларнинг эрувчанлигини камайтиради.

Суюқ фазада абсорбцияланадиган газ микдори.

$$G = k F \cdot \Delta \rho \cdot \tau$$

k -абсорбция коэффициенти,

F -контак юза

$\Delta \rho$ -суюқлик ва газ фазаларидаги парциал босимлар фарқи,

τ - жараён давомийлиги

Сатурация 0,5-0,6 % масса CO_2 бўлгунча давом эттирилади.

Хлебний квас, брага ва мевалар кваси кучсиз алкаголли ичимликлар туркумига киради. Хлебний квас тетиклаштирувчи ичимлик бўлиб янги пиширилган жавдар нони хиди келиб турадиган нордон ширин таъмли ичимлиkdir. Унинг таркибида кам микдорда спирт, сут кислотаси ва CO_2 бўлади.

Кваснинг хом ашёларига қуруқ жавдар солоди, жавдар уни, қуруқ арпа солоди ва нон киради.

Алкаголли ичимликларга газлаштирилган резавор мевалардан олиш гинетиклар, шарбатлар ва маъданли сув киради. Алкаголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда асосий хом-аше резавор меваларнинг шарбати, ўсимликларнинг дамламалари (апельсин, мандарин настойи) ўсимликлардан олинган.

Меваланган қиём тайёрлаш – бу қиём оқ қиём каби таёрганади ва 80-90⁰ С гача совутилади. Хар 100 кг шакар микдорига 100 гр лимон кислотаси қўшилади. Қўшиладиган лимон кислотаси 25% эритма ҳолида бўлади. Тайёрланган қиём 2 соат давомида аралаштирилиб турилади 15-20⁰ С гача совутилади. Киёмнинг иссиқ холатида лимон кислотасини солиш инверсияланishi таъминлайди. Инверсияланган қиём таркибидаги қандли моддалар кристалланмайди қиёмнинг таъми ёки ютилиши юмшоқ кетади. Тайёр бўлган инверсияланган қиём фильтрланиб иссиқлик алмашиниш ускуналарида 20-25⁰ гача совутилади ва сақлаш учун қўйиб қўйилади.

Купажлаш усулида тайёрланадиган қиём – бунинг учун шакар қиёми дамлама ва экстрактлар билан қуйиб тайёрланади қуйиш қиёми

таркибидаги қанд миқдори 35 - 42% бўлади. Резавор меваларнинг ярим фабрикатлари шакар билан иссиқлик усулида тайёрланади. Шакар ўрнини босувчиларга сахарин, сорбит, аспартамлар киради.

Алкоголсиз ва кам алкогольчи ичимликлар

Улар қаторига газланган мева ичимликлари киради. Улар таркибида эрувчан CO_2 ва органик кислоталари (лимон, узум) алкогольсиз ичимликларни салқинлаш таъсуротини тутдирадиган моддалардир.

Табиий мева шарбатлари, цитрус мевалар дамламаси, турли ўтлар дамламаси, қанд қиёми, газланган сув, лимон ва турли органик кислоталар алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда ҳом аше бўлиб хизмат қиласди. Ичимлик таркибига витаминлар, микроэлементлар, минерал моддалар, биологик актив моддалр киради.

Доривор ичимликлар доривор ўтлар экстрактидан тайёрланади. Газланган алкогольсиз ичимликлар куйидаги гурухларга ажратилади:

1. Газ суви - сунъий газланган минерал ёки оддий сувларни «сифон» ёки «содовая вода».

2. Газли ширали сув – лимонад таркибида қанд, кислоталар, эссенция на озиқ-овқатларга ишлатиладиган бүёклар.

3. Газли мева суви, ичимликлар асосида мева шарбати, морслар, дамламалар бор ва табиий таъм ва хушбўйли хидларга эгадир. Бу ичимликларни номлари ҳам мева шарбати номи билан белгиланади. "Абрикосовый", "Олма", "Райхон", Лимон ва бошқа мева шарбатларининг аралашмасидан, узум шарбатидан, хуш бўй дамламалардан тайёрланган ичимликлар ҳам шу гурухга киради.

4. Ичимлик сувда ёки минерал сув таркибида эрийдиган ўсимлик экстрақти, ўсимликлар дамламаси бўлади.

Экстракт ва дамламалардан тайёрланган ичимликлар.

Бу ичимликларга қанд, бүёк моддалар, витаминлар, хид берувчи эсенциялар ва моддалар қўшилади.

Организмни ёки унинг айрим аъзоларининг қувватини оширадиган ичимликлар. Организм қувватини оширадиган моддалари мавжуд ўсимликлар сўримидан, дамламасидан тайёрланади.

Витаминлаштирилган ичимликларга витаминлар турли миқдорда ва таркибида қўшилади.

Алкоголсиз ичимликлар тайёрлаш боскичлари: - қанд қиёмини қайнатиш, қиём аралашмасини тайёрлаш, газли сувни тайёрлаш, аралаштириш ва қутиш. Канд қиёмини тайёрлаш. Оқ қанд ва оқ инверсланган қиёmlар бўлади. Оқ қанд қиёмини тайёрлаш учун шакар билан ичимлик суви олинади. Олдиндан эмалли сирланган пиширув

аппаратига сув берилади, 60⁰С-ча қиздирилади ва доим аралаштириб ва иситиб турган холда рецептура хисобига қараб шакар тўкилади.

Киём қайнаганда ҳосил бўлган кўпикни олиш учун қиздириш жараёни икки маротаба тўхтатилади. Агарда кўпик қолдирилса тайёр маҳсулотни тиниклиги йўқолади ёки тутунлашиб хираки пайдо бўлади. Тайёр киём 30 дақиқа давомида қайнатилади ва тайёр қиёмдаги қуруқ моддалар миқдори 60-65%-ни тиакил этади. Киёмдаги қанд миқдори рефрактометр ёки сахориметрда аниқланиб, қиём тайёрлиги белгиланади. Оқ инверсланган қиём тайёрлаш учун оқ қанд киёми қайнатилиб, ҳар 100кг қандга 100 г. хисобидан лимон кислотасининг 25% эритмаси қўшилади. Аралаштириши тўхтатмасдан қиём шу ҳароратда 2 соат сақланади ва 15-20⁰С-ча совитилади. Бунда сахарозани 55%-и инверсланади шуни хисобига қиёмни концентрацияси 2,89%-га ошади. Кислота таъсирида сахароза инверсланиб унинг кристалланишининг олди олинади ва қиёмга юмшоқ таъм, ёқимли маъза берилади. Фильтранган қиём, совитиш мақсадида иссиклик алмашинув аппаратига юборилади. Совитилган қиём қиёмхонага, юборилади.

Канд қиёмидан купаж қиёми таркибида шарбатлар, морс ва экстрактлар, дамламалар, эссенциялар борлиги билан ажralиб туради. Купаж қиёми олдиндан тузилган рецептура (фақат тайёр андазага қараб иш кўрмоқ) бўйича тайёрланади ва унда экстракт, кислоталик, органолептик кўрсаткичлари ва сахарометр кўрсаткичлари 32-45%-га tengdir.

Купаж қиёми ярим-тайёр маҳсулоти бўлиб, унга газланган сув қўшилиши билан алкогиз ичимлик тайёрланади.

Газланган сувни тайёрланиши.

Бижғиш маҳсулоти бўлмиш шароб ичимликларида (шампан шароби) карбонат ангидриди-CO₂ биокимёвий йўли билан йифиб олинади. Алкоголиз ичимликларда эса CO₂ сунъий равища ичимликга киритилади. Сув ва алкогиз ичимликларни CO₂ билан тўйинтириш-сатурация ёки карбонлаш дейилади. CO₂ сувда эритмаларни енгил ҳосил килади. Сувда карбонат ангидридининг эрувчанлиги ҳароратга, атмосфера босимиға, сувда эриган минерал тузлар миқдорига, коллоид моддаларга боғлиkdir. Сувда эриган кислород CO₂ билан тўйинишига тўскинилик қилади, шунинг учун сатурадиялашдан олдин сувдан кислород четланади (деаэрация). Сув қанча юмшоқ бўлса, карбанизация жараёни шунча осон кечади. Совуқ сувда CO₂-ни эрувчан холатга онсон ўтишини этиборга олиб, газлаштирилган ичимликлар айниқса, минерал сув тайёрлаш технологик жараёнида газлаштириладиган сув 1-2 °C гача совитилади,

совитилгандан сўнг сатураторга юборилади. 1 гектолитр сувга 1 кг суюқлик холатта келтирилган CO_2 сарфланади.

Шишаларга қуиши куйидагича амалга оширилади. Биринчидан, купаж қиёми қуийлган бутилкалар қадоклаш автоматида газланган сув билан мейёригача тўлдирилиб, шиша идишни оғзини бекитадиган машинага келади. Оғзи бекилган шишага этикетка ёпишириб, қутиларга жойлаштирилади.

Концентранганди квас шарбатидан газланган ичимликларини тайёрлаш. Бу турдаги ичимликлар бижғитилмасдан тайёрланади. Асосий хом ашёси-ККС-концентрированное квасное сусло, қанд ёки асал, лимон кислотаси ва CO_2 , ККС таркибидаги куруқ моддалар микдори 72%-га, кислоталилик 100 гр. концентратга 25-30 cm^3 1н. NaOH эритмаси тўғри келиши керак. Минерал сув булоқдан чиқсан ер тагидаги сувлардан бўлиб, унинг таркибида кўп микдорда CO_2 , газлар, радиоактив кимё моддалари ҳам бўлади. Коптаж - ер булоқ сувини қуиши ёки қувурлар орқали йиғиб аралаштирадиган гидротехник иншоот.

Коптажердан сув корхонанинг йиғин идишларига юборилади. Керакли пайтда сув пластинкали фильтрда фильтрланиб, 4-5 g/dm^3 хисобидан сатурацияланиб (сунъий CO_2 берилади), ультра бинафша нурлари билан ишлов берилиб қуишига жўнатилади.

Квас шарбатини тайёрлаш, бижғитиш, квас суслосини купажини тайёрлаш учун маҳсус рецептурага риоя қилган холда нон ёпилади ва у кейинчаник қуритилади.

1т. нонни ёпиш учун: 477 кг. – арпа, 185 кг.- арпа уни, 77 кг.- ундирилган буғдой, 95-97°C сув қуилади. Унга-1,5 баробар ҳажмдаги сув қуилади ва 70°C да бир соат давомида сақланади. Бунга «ржаная заварка» - арпа дамламаси дейилади.

Иккинчи идишда сув 70-72°C-га қиздирилади ва доим аралаштриб турган холда мҳсус мослатгич билан тиндирилган буғдой қўшилади. Сув 1:9 нисбатда қўшилади ва 1 соат шу хароратда сақланади. Кегин узлуксиз аралаштириб турган холда у дамламага қўшиладида икки соатга қаднidlаниши учун 63-65°C хароратда қолдирилади. Кейин ҳамир қорадиган машинага келиб тушади, эзилади ва ёйлади.

Квасни тиндириб олиш усули. Қўшиладиган сувни 70%-и 70-73°C-ча қиздирилиб нонга қуилади, 30 дақиқа аралаштирилади ва устига сувни қолган 30%-и қуилади. Сув билан нон 1,5 соат тинч қолдирилади. Квас шарбати фильтранади, 25°C-ча совитилади, унинг таркибидаги куруқ моддалар микдори 3-3,5 %-га teng бўлади.

Назорат саволлари

1. Газланган ичимликларга таъриф беринг ва улар қандай гурухларга бўлинади?
2. Шакар ва озиқ-овқат сахаринига таъриф беринг ва улар ичимликлар ишлаб чиқаришда нима мақсадда фойдаланилади?
3. Ичимликлар классификацияни келтириб беринг?
4. Бижгитиб олинадиган ичимликларга қандай ичимликлар киради?
5. Сиропларнинг қандай ассортиментлари бор?
6. Хомашё қандай қабул қилинади ва сақланади?
7. Алкоголсиз ичимликларнинг тайёрлаш технологияси қандай?
8. Ичимликлардаги карбонат кислотанинг роли ва аҳамияти?
9. Карбонат кислотанинг суюқликда эриш жараёни характеристикасини тушунтириб беринг?
10. Алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, вино ва сувда карбонат кислота қандай холда бўлади?

Адабиётлар.

1. R Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering, Fifth Edition (Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар).

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 - Амалий машғулот Виноларни органолептик синаш (дегустация)

Ишдан мақсад:

Шаробни таътиб кўриб сифатини аниқлашни билиш

Дегустация асослари. Вино таъмли озиқ-овқат бўлиб, уни органолептик баҳолаши кимёвий текширишлар натижасида олинган маълумотларга аҳамиятли қўшимчадир. Бизнинг сезги аъзоларимиз томонидан аниқланадиган нозик идрок этиш ўрнини кимёвий тахлил боса олмайди. Масалан, ҳидлаш натижасида бир литрдаги хаво таркибидаги аралашмада 1,10 дан то 1,10 мг миқдоридаги ароматик моддалар сезилади, худди шундай анализ билан аниқлаш мумкин бўлмаган моддалар таъм органлари орқали сезилади. Барча сезиш органларининг аниқлашидан олинган таъссуротлар ўз мураккаблигига кўра тақрорлаб бўлмас анализ ва синтез натижалариdir.

Махсулотларни сезиш органлари ёрдамида текшириш органолептик анализ дейилади. Қисқача эса асосан таъмини аниқлашга қаратилган бўлганлиги учун дегустация деб аталади. Дегустация моҳияти винони сезги аъзоларимиз, асосан, мазасини татиб кўриш. ҳидлаш ва кўриш орқали синаш билан сезиш (хис этиш) дан иборат.

ТАЪМ. Таъм аъзолари винони органолептик синашда асосий аҳамият касб этади. Таъмни сезиш органлари асосан тилда хар хил сурғичлар холида жойлашган бўлиб, уларга таъм сезиш илдизчалари туташади. Тилнинг орқа учдан бир қисмида 9-11 гача бокалсимон сурғичлар жойлашиб, уларга аччиқ моддаларни жуда яхши сезувчи бўлади. Замбуруғсимон сурғичлар тилнинг барча майдонида тартибсиз холда жойлашган бўлиб, тилни қирғоқларида ва турида тўпланади. Ипсимон сурғичлар эса тилнинг барча майдонида бир текисда жойлашган. Таъм сезишнинг мураккаблигига қарамасдан, асосан, сезишларга ширин, аччиқ кислоталик (нордонлик) ҳамда шўр таъмларни киритиш керак. Бундай таъмларни баробар сезиш таъм билишнинг хилма-хиллигига олиб келади. Коллоид эритмалар кўпинча таъмсиз бўлади. Шириллик таъмини хосил қиласидиган моддалар: карбон сувлар, гликоллар, кўп атомли спиртлар, сахаринлар ва хоказо.

Аччиқлик таъмини барча алколоидлар, айрим глюкозалар, эфирлар ноорганик тузлар хосил қиласиди. Нордон таъмли тилдаги сўрғичларга ион

водородларнинг таъсири остида пайдо бўлади. Нур таъмни йод иони, бром иони, ош тузи хосил қиласди. Тилнинг учи шўр ва шириналкни, атрофи шўр ва нордонликни, тил асоси аччиқ таъмни яхши сезади. Шунинг учун винони дегустация қилишда мазасини сўрилаётган намунани тил учидан бошлаб юқори томон секин аста таътиб кўриш керак бўлади.

Айрим моддаларнинг мазасини анча вақтгача оғизда қоладиган (масалан, сахарин) хинин ва бошқаларнинг таъсири-бошқаларида-дастлабки таъмдан кескин фарқ қиласдиган янги таъм пайдо бўлишида (масалан, дастлаб аччиқ таъмлигини) билан характерланадиган марганец, кейинчалик ширин таъм) бериши мумкин. Винонинг таъмини кўришда оғизда қоладиган таъмга кўра ёт таъмларни (моғор, водород сульфидли, пўкакли, сичқон ҳид ва бошқаларни) аниқлаш мумкин ва осон.

ҲИДЛАШ. Ҳидлаш органлари бурун бўшлиғи ҳидли моддалар заррачаларининг хаво билан бирга нафас олинишида диффузияланади шунинг ҳисобига ҳидни қабул қиласди. Ҳидли моддалар заррачаларининг диффузияланиши тезлиги хар хил ва у ҳидли моддаларнинг табиатига боғлик. Ҳидли моддалар заррачаларининг ажralиб чиқиш энергияси бевосита хароратга боғлик.

Айрим ҳидли моддалар хаводан жуда оз бўлганда ҳам ҳиди сезилади. Масалан, агар эфирнинг тўпланиши 1,10 бўлганда ҳам ҳиди сезилмаса, кўмирин тўпланиши эса 1,10 мг/дм да, ванилин -5,10 мг/дм да, йодоформ хатто 2,720 мг/дм да сезилади. Кучли ҳидлар доим кучсиз ҳидларни босиб кетади. Ҳидлаш нервларининг қўшимча таъсирланиши холларида кучсиз ҳидлар умуман сезилмайди, кучли ҳидлар эса кучсизланади. Шундан қайд этиш керакки, айрим ароматик моддалар турланишига кўра ўз ҳид хусусиятини тез ўзгартирали.

Ҳид билан ароматик моддаларнинг табиати ўртасидаги боғлиқлик халигача аниқланмаган. Ҳид сезиш жуда турли-туман, мураккаб ва қийин классификацияланади. Ҳидни яхши аниқ пайқаш учун тез ва қисқа нафас билан такрор ҳидлаш керак, чунки секин нафас олганда, хаво асосан пастки бурун йўли орқали ўтиб, натижада ҳидли моддалар бурунни шилимшик парда сиртига диффузияланиши қийинлашади.

Намунани ютганда таъм сезиш ҳид сезиш билан қўшилиб, шу захоти бурун бўшлиғига ютиладиган ҳидли заррачаларни буғланиши нихоятда кучаяди. Ҳам ҳидлаб, ҳам ютинганде пайдо бўладиган сезиш намунани умумий майнлик давраси ҳақида бир фикр юритишга ёрдам беради.

КЎРИШ. Виноларни органолептик характерлашда унинг ранги ва тиниқлик даражаси ёт кўшилмаларни, қовушқоқлиги ва бошқа аломатларини аниқлаш, шампан виноларида эса вижиллаб туриши ва кўпик хосил бўлишини баҳолаш мухим аҳамиятга эга. Кўриш орқали виноларнинг айрим касалликларини, иллатларини, камчиликларини аниқлаш мумкин бўлади.

Виноларни органолептик синашда таъм билиш, ҳидлаш ва кўз билан кўришдан ташқари, шунингдек, виноларнинг оғизга текканида, унинг айрим белгилари (қаттиқлиги, майинлиги, шилимшиқлиги, сезувчанлиги ва бошқа) хатто вино солинган шишанинг оғзи очилгандаги товуши, карбонат кислота билан тўйинтирилган винодаги карбонат кислота ажralиб чиқиши жараёнидаги вижиллаш ҳам аҳамиятга эга.

Виноларнинг дегустацион характеристикаси. Дегустация дегустаторнинг сезиш аъзолари ёрдамида аниқланган сезишлар асосланган ва шунинг учун текширишнинг субъектив усули бўлиб, битта вино намунасига бир нечта малакали дегустаторлар хар хил фикрлашларига олиб келади. Сезиш аъзолари жуда кучли ва дегустацион хотираси яхши бўлган дегустатор винони анча тўғри баҳолайди. Аммо, ана шу хотира ва сезишлар етарли даражада ривожланиши, дегустацион мактаби ўтилган бўлса, сезиш органларини систематик ривожлантириш, дегустацион савиясини ва дегустацион малакасини ошириб борилса, яхши дегустатор бўлиши мумкин.

Шу билан боғлик холда, винони дегустацион тасвирлашда қўлланиладиган кўрсаткичларга, терминларга боғлик, уларни тўғри танлаб, унификациялаш ҳамда баҳолаш системаси мухим аҳамиятга эга.

Бундай холда дегустатор мутахассислари тайёрлаш вазифаси осонлашади. Дегустатор у ёки бу категориядаги виноларни баҳолашда винокор тилида «идеал» (энг аъло баҳоланадиган, олий нав) ҳисобланадиган винони кўз олдига келтириши шарт. Бундан ташқари, дегустацияда синаладиган винони тугри баҳолаш учун мўлжалланган виноларни олиш керак. Бунинг устига дегустатор виночиликда булардан ташқари у ёки бу категория учун вино «идеал» (олий нав) деб аталган бўлиши керак.

Вино дегустациядан ўтиши давомида унинг ташқи кўриниши, ҳиди ва таъми органолептик текширилиб, булар асосида винони умумий ўзаро мослиги ва унинг типга мувофиқлиги ҳақида фикр юритилади.

Ташқи кўриниши. Винонинг ташқи кўринишидаги тиниқлик даражаси, чўқмаларининг бор йўқлиги ва хусусияти, бўёқ тўқлиги ва ниҳоят вижиллаш ва кўпириш хоссаларини аниқлашади.

Тиниқлиги. Тўғри тайёрланган вино билур тиник бўлиши керак. Винони оз бўлсада, лойқалиги унинг хали тайёр эмаслигидан дарак беради. Лойқанинг ҳусусиятига қараб (маълум тажрибага эга дегустатор) унинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритиши мумкин. Масалан, ёш виноларга хос бўлган оқсил лойқаланишини шиша идишда узоқ вақт сақланган эски винолардаги чиқиндиларни, вино тошининг чўкиши билан боғлик лойқаланишларни масалан, бактериялар таъсирида хосил бўлган лойқаликларни бир-биридан ажратиш осон.

Винонинг тиниқлигини нур оқимида ёруғ хонада аниқлаш керак (кун ёруғлигига, электр лампаси ёки шам ёруғлигига). Тиниқлик даражасини таърифлаш учун қуидаги терминлардан фойдаланади; билур тиниқлик, ялтироқ тиниқлик ёки жилвали тиниқлик, жуда тиник, етарли даражада тиник, бир оз тиник, кўкимтири, хира, лойиқасимон, лойика, жуда лойика.

Шишадаги винони етарли даражада тиник эмаслиги ҳамма вақт унинг сифатсиз эканлигидан дарак беравермайди, бироқ истеъмолчилар технологлардан жуда тиник, билур тиник бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришларини талаб этади.

Чўқмалар. Синалаётган вино намунасида чўқмалар борлиги аниқланганда, уларнинг табиатини белгилаш керак, буни тажрибали дегустатор, чўқманинг ташқи кўринишига қараб тўғри айтиб беради. Бунда иккиланиш кўрсатилганда микроскопда кўрилади. Чўқмаларнинг ташқи кўриниши таърифланиши учун қуидаги терминлар қўлланилади: енгил, оғир, кристаллик, аморф, чангсимон, пага-пага, шилимшиқ, творогсимон, чузилувчан.

Ранги. Янги тайёрланган столовий оқ виноларнинг ранги сарғиш ёки яшилроқ, сақланганда, етилганда, оксидланиш натижасида ва моддалар бочкаларнинг тахтасидан винога ўтиши натижасида ранги анча қуюқ ва тўқ бўлиб боради, эски оқ виноларда ранги чиройли тилласимон бўлади. Ёш қизил винолар қуюқ пушти рангда, кўпинча гунафша тусли бўлиб, сақлаш ва етилиш натижасида анор ёки тўқ қизил ранг бўлиб ва ёқут рангини у ёки бу тўқлигига бўлиб характерланади; эски (қари) қизил винолар жигар ранг ёки пиёз пўстлоғи рангига бўлади. Пушти ёш винолар сақлаш натижасида бадан рангига ва оч сариқ рангга киради. Ширин оқ винолар хар ҳил кўпинча чойни хилма-хилдаги қуюқликдаги рангни эслатади.

Синалаётган винони намунасининг ранг тури, унинг у ёки бошқа тип винога таллуклиги ҳақида, тайёрлаш технологияси ҳусусиятлари ва сақлаш шароитлари, таркиби ва хоссалари (масалан, экстрактивлиги, кислоталилиги, етишганлиги ҳақидаги) айрим холатда эса винонинг яхши ёки касаллиги ҳақида фикр юритиш учун мезбон бўлиб хизмат қиласди.

Виноларнинг ранг ҳусусияти, унинг тўқлиги ифодаланган иборалар хилма-хил бўлиб, у винонинг нафақат рангини хилма хиллиги, балки дегустаторнинг ўзига хос кўриш ҳусусиятлари билан ҳам тушунтирилади. Синалаётган виноларнинг хар бир дегустатор берадиган дегустацион характеристикасини таққослаш учун ифодаларни ҳамда рангини ифодалаш системасини, рангларни ва унинг тусларини аниқлашга дегустаторга кенг имконият бериб, унификациялаштириш керак.

Вино рангини дегустацион характеристикаси энг аввал умум қабул қилинган терминлар билан аниқланадиган асосий рангини ифодалаш керак. Асосий рангларнинг туслари олд қўшимча ёки баъзан қушалок сўзлар билан кўрсатилади: «сариқ, оқ сариқ, тўқ сариқ» каби ифодалар синалаётган намунанинг асосий рангини билдиради. Кейинчалик, асосий ранг интенсивлиги, масалан, «тўқ қизил», «канор ранг», «оч сариқ» ранг каби ранглар қайд этилади. Зарур холларда қўшимча ранг қайд этилади, масалан, оч сариқ, тусли тўқ қизил ранг, кофе тусли қизил ранг, жигар ранг. Винонинг рангини бундай тасвирлаш уни берилган дегустацион қоғозга кўра осон аниқлашга ёрдам беради.

Вижиллаш ва кўпириш. Бокалга микдоридан кўп карбонат ангидриди бўлган вино қўйилганда, газ оралаб чиқиши ва кўпик хосил бўлиши кузатилади. Ҳозирги вақтгача вижиллаш ва кўпириш сифати асосан органолептик баҳоланади, гарчи вижиллаш ва кўпириш хоссаларини аниқлаш усувлари ишлаб чиқилган ва шампан заводи лабораторияларида қўлланилмоқда. Вижиллаш ва кўпик вижиллайдиган виноларнинг сифатини мухим кўрсаткичи ва шунинг учун бундай виноларни дегустация килишда уларни баҳолаш керак. Вижиллашни органолептик баҳолашда газ ажralиб чиқиши давомийлиги, унинг тезлиги, баъзан эса ажralиб чиқаётган пуфакчаларнинг катта-кичиклиги қайд этилади, бунда, масалан, қуйидаги ифодалар қўлланилади: «вижиллаш узок муддатли», «вижиллаш бир оз муддатли», «чиройли вижиллаш».

Кўпириш хоссалари, деганда кўпикнинг барқарорлиги, унинг тузилиши ва янгиланиши, баъзан эса ранги ҳам қайд этилади. Кўпиришни характеристлаш учун: «барқарор», «чиdamли эмас», «майда дисперсли», «майда зич дисперсли», «мурут» ифодалари ишлатилади. Газ ажralиб чиқиши ва кўпик хосил бўлиши тинч виноларда, шакар қолдиқлари бижғиганда ёки ширин виноларда ачитиш пайтида кузатиш мумкин. Баъзан карбонат кислота ажralиб чиқиши винонинг касалланиш билан боғлик бўлиши мумкин. Бундай холларда дегустация вақтида кузатилган газ ажralиб чиқиши технологик жараённинг бузилганлигини аниқлашга имкон беради.

Ҳидлаш. Ҳидлаш винонинг хушбуй ҳидини, винонинг етилиш давомида хосил бўлган ҳидлар гулдастасидир ва вино учун 1т ҳидларни аниқлаш имкониятини беради. Винонинг ҳиди билан ҳидлар гулдастасининг фарқини пайқаш қийин бўлади. Винокорликда ҳидларни пайқашда икки хил тушунча бор:

Аромат деганда, винога узумдан ўтган моддалар ва бижғиши жараёнида хосил бўлган ҳидлар тўпламини тушуниш керак.

БУКЕТ деганда (гулдаста) винони етилиш давомида хосил бўлган ҳидлар гулдастасини тушуниш керак. Винонинг хушбуй ҳидига нисбатан бекарор ва сақланганда оксидланиш-қайтарилиш реакцияси ҳисобига қучсизланиб, йўқолиб кетиши мумкинлиги ўрнига етилиш гулдастаси пайдо бўлади.

Винонинг хушбуй ҳиди ва гулдаста ҳидини тасвирлаш учун хар хил ибораларга куч дуч келинади. Дастрлаб қуидаги «нозик», «қўйпол», «уйғун», «кучли», «ўткир», «қуланса», «оддий» ибораларини қўллаб, аромат ёки букетнинг умумий тузилишини баҳолаш керак. Кейинчалик винонинг ҳиди, ҳусусияти, масалан аромат учун: «мева ҳидли», «гул ҳидли», «асал ҳидли», «навли ҳид» қайд этилади.

Нихоят, бошқа ҳидли моддаларнинг, масалан, гуллар (атир гул, бинафша) хар хил ўтлар, мевалар (олма, нок ва х.к.) смородина, қулупнай ва кимёвий бирикмалар (альдегид, эфир, амигцалин кумарин)ларнинг ҳиди билан таққослаб, ҳиднинг тафсилоти қайд этилади. Дегустаторнинг аниқлаш ҳусусияти тез сусаяди, ва кучсиз ҳидлар билан босилади, шу сабабли, дегустация ҳиди кучсиз винолардан бошлаб, ҳиди кучли винолар билан тугатиш керак.

Касал винолар текширилганда, нормал виноларга хос бўлмаган ёт ҳидларни аниқлаш осон. Масалан, винонинг касалликлари (сирка, сут, пропион бижғишилари)ни ҳидидан, касал бошланаётганида ёқ пайқаш мумкин. Винодаги ёт ҳидлар унга ҳидли ёт моддалар (мофор, керосин, тутун, водород сульфиди)нинг тушишидан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Дегустатор томонидан белгиланган ёт ҳидлар қайд этилади ва винонинг дегустацион характеристикасига қўшимчадир.

Таъм. Виноларни дегустацион тасвирлашда таъми мухим аҳамиятга эга. Винонинг таъмига қараб унинг «уйғунлик» даражасини қуидаги терминлар билан ифода қилиш мумкин: «уйғун», «етарли даражада уйғун», «уйғунлиги етарли даражада эмас», «уйғун эмас». «Уйғунлик» категорияридаги винолар таркибидаги моддаларни бир-бирига мос ва нисбатлиги билан характерлигидир ва уларни татиб кўрганда биттаси ҳам алоҳида таъм хисларини пайдо қилмайди. Виноларнинг таъмини

баҳолашда ва аниқлашда унинг спиртлиги, шириналиги, нордонлиги ва тахирлиги аниқланади.

Үйғун тузилган виноларда спиртлилик ажратилмайды ва күпинча экстрактивлик (шакар)га яшириниб туради. Спиртлиликни тасвирлашда: «енгил», «кучсиз», «кам спиртли», «ярим спиртли» ёки «оғир» (спирти юқори), «кучсиз» спирт микдори юқори бўлган иборалар қулланилади. Вино таъмида спиртнинг ажралиб туриши, винонинг уйғунсизлигидан далолат беради ва баҳо белгиланади.

Шириналлик қуйидаги иборалар: «нордон» (шакари бўлмаган), «ним нордон» (ўртача шакар микдоридаги), «ширин» (шакар микдори қўпроқ) ва ликёр (шакар микдори жуда юқори) сўзлари билан таърифланади. Баъзи категориялардаги винолар, масалан, шампан шароблари учун маҳсус шириналлик шкаласи қўлланилади. Винони татиб қўришда унинг таъмига кислоталилиги кучли даражада таъсир қиласи. Кислотаси етарли бўлмаган вино уйғунлиги қониқарсиз бўлади ва бундай винолар «чучук» винолар дейилади. Юқори кислоталик ва шунингдек винонинг микдоридаги моддалар билан уйғун бўлмаган холда вино «нордон» (кескин нордон) деб аталади. Хом узумлардан тайёрланган винолар «яшил кислоталик» дейилади ва нордон таъмли бўлади. Винода учувчан кислота кўп бўлса, вино «кучли кислотага эга» бўлади. Карбонат кислота «санчиқ кислотали» деб аталади.

Винода ошловчи моддалар кўп бўлса, «тахирроқ», «тахир», «қимизак», «ёқимли қимизак», «ёқимсиз тахир» ва «қўпол» иборалар қўлланилади.

Вино «экстравктивлиги» винодаги экстракт микдори сабаб бўлади ва «пўк», «суюқ», «кам экстрактивлик (винодаги экстрактив моддалар камайса), «майнин», «юмшоқ винолар, глицерин ва камедилар билан бой ва «тўлиқ», экстрактив (вино таркибида экстрактив моддалар кўп бўлганда) иборалар ишлатилади. Винони дегустация қилишда қайд этилган алломатлардан ташқари яна бошқа таъмларни, масалан, аччиқлини қўрсатиш керак.

Нихоят, винонинг таъмига қараб унинг камчилиги, шунингдек, касаллиги тасдиқланиши мумкин. Виноларнинг органолептик анализида аниқланган ташқи қўриниши унинг ҳиди ва мазаси, винонинг умумий тузилишини уйғунлигини баҳолашга ёрдам беради. Яхши тайёрланган винонинг ранги; ҳид гулдастаси ва мазаси мос бўлади ва бундай вино юқори баҳоланади. Винонинг умумий таъссуротини ифодалаш учун: «нозик», «яхши тузилган», «уйғун», «бетараф», «оддий», «садда», «пўк», «сўлғин», «ғўр», «пишган», «қари», «уйғун бўлмаган» иборалар

қўлланилади. Дегустацияда касал винолар аниқланса, унинг номи ва касалликнинг ривожланиш даражаси қўрсатилади.

Балли баҳолаш. Виноларни органолептик баҳолаш 10 балли система билан баҳоланади. Винодаги асосий бешта элемент: тиниқлиги, ранги, гулдастаси, таъми ва умумий тузилиши баҳоланади /ёки типига мувофиқлиги, шампан винолари учун эса ўйноқи ва қўпириш хоссалари/. Кайд этилган элементларнинг хар қайсиси қўйидагича баҳоланади.

Тиниқлиги. Тоза, ярақлаган винолар учун 0,5 балл, ярақлаган, аммо тоза виноларнинг тиниқлиги учун 0,3 балл билан баҳоланади. Энг паст баҳо винонинг хар хил даражада лойқаланганлигини билдиради.

Ранги. Типи (navi) ва ранги мос винолар учун 0,5 балл, янада нормал рангли (аммо четга чиқиши билан) шароблар учун 0,3 балл қўрсатилади.

Ҳидлар гулдастаси. Нозик, жуда хуштаъм, типи ёшига мувофиқ гулдаста винолар учун 3,0 балл, ёт ҳидлари булмаган, ҳам ривожланмаган, оддий гулдаста учун 1,8 балл қўйилади.

Таъм. Хуштаъм, типи ва ёши мувофиқ винолар учун 5,0 балл, оддий таъмли, типига, кам тўғри келадиган, аммо ёт мазаси булмаган виноларга 3,0 балл берилади.

Умумий тузилиши (типиклиги). Яхши, гармоник тузилган ва типига бутунлай мос винолар учун 1,0 балл. Шампан винолари яхши жимиirlайдиган, қўпирадиган винолар учун. Типи кучсиз ифодаланган ва оддий тузилган /аммо камчиликсиз/ вино учун, шампан виноси учун эса яхши вижиллайдиган, аммо карбонат ангидридрини пўфакчаклари доначаларининг йириклиги, қўриниши бекарор бўлганлиги учун 0,6 балл берилади.

Баллар йиғиндиси синалаётган вино намунасининг умумий дегустацион балини қўрсатади. Хеч кандай камчиликсиз, дегустаторнинг идеалига жавоб берадиган винога 10 балл бериш мумкин. Юкори сифатли узоқ турган винолар 9 балл атрофида баҳоланади. Яхши сифатли узоқ турган ёки юкори сифатли ёш винолар 8 балл атрофида баҳоланади. 7 балл атрофидаги баҳо узоқ турган ёки ёш виноларнинг яхши сифати учун берилади. Узоқ турган, аммо камчиликлари бўлмаган, шунингдек таркиб сифати қониқарли ёш винолар 6 балл баҳо олади. Энг паст баҳо /6 баллдан паст/ винонинг паст навлигини ёки касаллигини қўрсатади.

Очиқ дегустацияларда дегустация қилинаётган вино намунасининг келиб чиқиши ва тахлил маълумотлари маълум бўлса, дегустаторнинг берадиган баҳолари муқаррардир. Бунда органолептик тахлил, уни ўтқазиш шароитари ва техникасининг тўғрилигини қайд этиш керак.

Дегустация ўтказиш техникиаси

Виноларни органолептик тахлили махсус хоналарда (дегустацион хонада) ёруғ ва хар хил ҳидлар бўлмаган хавоси тоза хонада ўтказилади. Хонанинг ҳарорати $15-16^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиши керак.

Дегустация ўтказишида виноларнинг таркибига кўра бирин-кетин тахлил қилиниши алоҳида аҳамиятга эга. Нордон винолар ширин винолардан олдин: ёш винолар етилган; енгил винолар оғирлардан, оқ винолар қизиллардан, ҳиди паст винолар ҳиди кучли винолардан олдин дегустацияга берилади. Шундай килиб, дегустация енгил, ёш, оқ винолардан бошланиб, ароматли ликер винолари билан тутатилади. Шампан ва ўйноки винолар алоҳида дегустациядан ўтказилади. Энг нордон /брют/ винодан бошланиб ширин маркали виноси билан тутатилади.

Дегустацияга берилган винонинг сони 12-15 дан ошмаслиги керак. Хар бир текширишдан сўнг оғизни сув билан яхшилаб чайиш керак ва бир бурда оқ чучук нон ейиш керак.

Дегустацияга бериладиган винолар ҳарорати, типига (турига) боғлик. Ўйноки винолар $10-12^{\circ}\text{C}$, оқ хўраки винолар $12-14^{\circ}\text{C}$, қизил хўраки ва десерт винолар $14-16^{\circ}\text{C}$ дегустацияга узатилади.

Органолептик изланишлар учун алоҳида дегустацион идишлар кўлланилади, бу идишлар тиник, нафис шишадан ясалган бўлиб, устида гулсиз, рангсиз бўлиши шарт. Дегустацион идишларнинг шакли ҳар хил бўлади: асосан лола шаклида, тухум шаклида бўлади. Кўрилаётган вино эҳтиёткорлик билан кўпиклаштиrmай (учувчан моддаларни тўсатдан йўкотмаслик учун) дегустацион идишнинг хажмини $1/3$ кисмига тўлдиради, аввало нур окимида винонинг тиниқлиги ва ранги тасдиқланади, кейин унинг ҳиди ифода килинади, бунинг учун идишдаги винони хиёл чайқатиб, ҳидининг таралишини зўрайтириб, ҳидлаб кўрилади (қиска-қиска нафас олиб) сўнгра винони таъмини синаш учун бир қултимини оғизга солиб, тил учидан бошлаб тил чегараларига, сўнг хаво тортиш билан бошни қўтариб вино секин ютиб юборилади. Шу усулда винонинг таъми тўлиқроқ англашади. Дегустация пайтида винони узоқ ҳидлаш ва оғизда ортиқча сақлаш тавсия килинмайди.

Ҳамма тассуротларни дегустатор махсус дегустацион вараққа ёзади. Винони дегустация қилиш, эрталаб, енгил нахордан сўнг ўтказилади. Ёғлик, аччиқ ва кучли овқат ёйиш маън этилади. Дегустация давомида ҳидсиз, нейтрал ҳидли таомларни (пишлоқ, енгил мева, узум, олма...ва хакозолар) истеъмол қилиш мумкин.

Дегустация вараги №_____

Дегустастатор Ф.И.Ш. _____

№	Текширилаёт ган шаробнинг номи (navi, типии, хужалиги, хосил йили)	Тини қ- лиги	Ранг и	Букет и	Мазас и	Типикли ги ёки мусс	Умум ий бали	Намун а-нинг тавсиф и
		0,1- 0,5	0,1- 0,5	1,0- 5,0	1,0- 5,0	0,1-1,0	10,0	

Сана _____

Дегустатор
имзоси _____

Кўрсаткич	Кўрсаткичлар тавсифи	Балларда баҳоланиши
Тиниқлиги	Кристалл тиник	0,5
	Тиник	0,4
	Товланмайдиган тиник	0,3
	Бегона моддалар мавжуд	0,2
	хира	0,1
Ранги	Шаробнинг типи ва ёшига мос	0,5
	Нормал холатдан озгина чекинувчан	0,4
	Нормал холатдан сезиларли даражада чекинувчан	0,3
	Шаробнинг типи ва ёшига мос келмайди	0,2
	Ранги жуда ёмон	0,1
Букети	Шаробнинг типи ва ёшига мос жуда яхши майин ривожланган	3,0
	Шаробнинг типи ва ёшига мос яхши майин ривожланган	2,5
	Шаробнинг типи ва ёшига мос, лекин унчалик майин ривожланмаган	2,0
	Шаробнинг типи ва ёшига мос эмас	1,5

	Шаробнинг букетида бегона тонлар мавжуд	0,6
Мазаси	Майин, гармоничный, шаробнинг типи ва ёшига мос	5,0
	Гармоничный	4,0
	Гармоничный, лекин типига кам мос келади	3,0
	Ординар	2,0
	Бегона тонлар мавжуд	1,0
Типиклиги	Шаробнинг типига тулиқ мос келади	1,0
	Шаробнинг типига бироз тулиқ келмайди	0,7
	Шаробнинг типига унчалик тўғри келмайди	0,4
	Умуман типиклиги йўқ	0,1
Умумий баҳолаш	Шароб жуда юқори сифатга эга	10,0
	Деярли юқори сифатга эга	9,0
	Зўр шароб	8,0
	Яхши шароб	7,0
	Ўрта сифатли шароб	6,0
	Шаробнинг хар таснифида камчилиги мавжуд	5,0

Назорат саволлари

1. Маҳсулотни синаб баҳолашдаги қайси қўрсаткичлар эътиборга олинади?
2. Синаб баҳолашни ўтказиш тартиб қоидалари.
3. Шароблар классификацияси.
4. Таътиб маҳсулотни баҳолашдаги баллар тақсимоти.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. R Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering, Fifth Edition (Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар).
2. Ковалевский К.А., Ксенжук Н.И., Слезко Г.Ф. Технология и техника виноделия: Учебное пособие. – Киев: Фирма «ИНКОС», 2004. – 560 с.

2 - Амалий машғулот

Спиртнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш

Ишдан мақсад: Тайёр махсулот - спиртни сифат кўрсаткичларини аниқлаш

Саваль синови - сульфат кислотаси билан синаш.

Тоза ректификатланган спиртни сульфат кислота (конц.) (солиширма зичлиги 1,835) билан аралаштирилганда, аралашмани қайнатиб, сўнгра совутилганда, рангизлигича қолаверади.

Агар таркибида органик аралашмалари бор спирт сульфат кислотасига қўшилса, хосил булган аралашманинг ранги бир оз (оч сариқдан қуюқ тўқ қизилгача) бўялади. Спирт таркибида қўшимчалар қанча кўп бўлса, аралашма шунча қуюқ бўлади.

Спиртнинг тозалигини аниқлаш синовлари спирт ичидағи аралашманинг миқдорини ва сифатини аниқламайди, факат уларнинг борлигини тасдиқлади холос, яъни спиртнинг ифлосланганлик даражасини кўрсатади.

Аниқлаш усули қўйидагича: синалувчи спиртни 10 мл.ни 70 мл.ли оғзи тор колбага қуйилади ва зудлик билан 3-4 бўлакка бўлиб, 10 мл конц. сульфат кислота қуйилади ва колбани чайқатиб турилади. Қиздириш давомида колба олов устида доимо айлантириб турилади, чунки яхши аралashiши ва колба бир текис қизитилиши лозим. Бунда аланга қиздирилаётган суюқликдан баланд кўтарилмаслиги керак. Қиздириш муддати суюқлик юзасига пуфаклар чиқиши кузатилгандан кейин, одатда 30-40 секунд давом этади. Сўнгра суюқлик тиндирилади ва совиган суюқликнинг ранги оқ фон ердамида аниқланади.

Агар аралашманинг ранги спирт рангига ўхшаб тиниқ, рангиз бўлса, унда синов натижаси ижобий деб баҳоланади.

Ланга синови – оксидланиш синови.

Калий перманганат эритмаси билан оксидланиш синовини ўтказиш спиртда аралашма борлигини билиш имконини беради, бу аралашмалар осон оксидланади, бироқ бу уларнинг миқдорини аниқлашга ердам бермайди.

Оксидланиш синови ўтказилаётганда, спиртга қуеш нурлари таъсир қилмаслиги керак. Хажми 20 мл.ли пробирка синалувчи спирт билан чайқалади, чайқандини пробирка ичida қолдирилади, чайнди устига 10 мл спирт қуийб, 10 дақиқага сувга чўқтирилади (сувнинг харорати 20°C ва

сув хаммомига қўйилган). Пробирка сув хаммомига қўйилганда, хаммом суви пробиркадаги спиртдан юқорироқ бўлиши шарт. 10 дақиқа ўтгач, пробиркага 0,2 мл 0,1 н калий перманганат эритмаси қўйилади, сўнgra аралашмани аралаштириб, қайта сув хаммомига қўйилади, хаммом харорати – 20°C. Бир оздан сунг аралашманинг қизил-пушти ранги астасекин сарғиш пушти ранга айланади. Калий перманганат қўйиш пайтидан бошлаб то типовий эритмада сариқ ранг пайдо бўлгунча ўтган муддат берилган спиртнинг оксидланиш синовининг ўтиш муддати хисобланади.

Кислота миқдорини аниқлаш.

Спирт таркибида асосан сирка кислота ва бошқа учувчан кислоталар ва органик моддалар бўлади.

Спиртнинг кислоталигини хисоблашга сирка кислотага солиширилади. Кислоталиликни аниқлаш титрланган ўювчи натрий эритмаси билан титрлаб, кислоталар нейтралланишига асосланган. Бунда индикатор сифатида фенолфталеин ишлатилади. Спиртдаги эркин холатдаги карбон кислота қайнатиш йўли билан йўқотилади.

Аниқлаш йўли.

500 мл ли конус шаклидаги колбага (сокқа шаклидаги совитувчи мосламаси бор) пипетка билан 100 мл синалевчи спирт қўйилади ва 100 мл сув қўшилади, сўнgra 15 дақиқа қайнатилади ва хона хароратигача совитилади, бунинг учун совутгичнинг юқори қисмини натрон охак солинган трубка билан беркитилади, шунда спиртнинг ичига хаводан CO₂ кирмайди.

Шундан сўнг совитгич олинади, 10 томчи фенолфталеин эритмаси қўшилади ва пушти ранг пайдо бўлгунча 0,05 н NaOH эритмаси билан титрланади, титрлашнинг охирида аралашма 1-2 дакика чайкатилса хам, бу ранг йўқолмайди.

1л сувсиз спиртнинг (мг-да) сирка кислотага хисоблаш орқали кислота миқдорини аниқлаш ифодаси

$$K = \frac{Y * 3 * 10 * 100}{C} = \frac{3000 * Y}{C}$$

Бу ерда Y – 100 мл – синалевчи спиртни титрлаш учун кетган 0,05н NaOH эритмаси;

3 – 1 мл 0,5н NaOH;

10 – 1 л спиртни хисоблаш коэффициенти;
100 – сувсиз спиртга хисоблаш коэффициенти;
С – синалувчи спирт қучи, %.

Назорат саволлари.

1. Ланга синовии нимани аниқлади?
2. Кимёвий тоза сульфат кислотаси спиртнинг қайси сифат кўрсаткичини аниқлади?
3. Ҳалқ хўжалиги учун ишлаб чиқариладиган спирт турларини айтиб Беринг?
4. Калий перманганат рангини йўқотишини давомийлиги нимага боғлик?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. R Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering, , Fifth Edition. 2005
2. Яровенко В.Л., Мариченко В.А., Смирнов В.А. и др. Технология спирта: Учебник. - М.: Колос, “Колос-пресс”, 2002

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс

Озиқ-овқат маҳсулотини усти моғорлаган. Бу маҳсулотни истемол қилиш мумкинми. Бу маҳсулотни қайта ишлашда хатолик бўлганми. Муаммони ҳал қилинг.


Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг, зарур билимлар рўйхатини тузинг (индивидуал ва кичик групчада).
- Ишлаб чиқаришда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг(жуфтлиқда ишлаш).
- Хатоликни тузатинг ва дастурни ишга туширинг.
- Бажарилган ишларни тақдимот қилинг.

2-кейс

Спирт ишлаб чиқаришда суслани кислоталилиги ошиб кетяпти. Сабабини топинг ва муаммони ҳал қилинг.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:



VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битириув иши (лойиха иши) ни тайёрлайди.

Ишлаб чиқилган ўқув модулларида фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, видео ресурслар, глоссарий, тест, кроссвордлари ва бошқалар мавжуд бўлиши мумкин. Бу материалларни соҳа бўйича оммавий онлайн очик курсларидан олиш тавсия этилади.

Мустақил таълим мавзулари

1. Оч ва тўқ солодни тайёрлаш технологиясини ўзлиги. Солод ўрнини босувчи материаллар.
2. Интернетдан спирт ишлаб чиқариш замонавий технологияларни излаш.
3. Озиқ-овқат касалликларини келтирадиган микроорганизмлар.

4. Ачитқиларнинг озиқ-овқат саноатида тутган ўрни. Микотоксикозлар қўзғатувчилари.
5. Пиво суслосини тайёрлашни замонавий омиллари ва технологиялари.
6. Бижғитиш услублари ва кучли считқилардан фойдаланиш.
7. Этил спиртини ёқилғи сифатида ишлатиш афзаллиги ва камчиликлари.
8. Ректификация ва қайта хайдаш жараёнларининг физикавий негизлари.
9. Классик ва замонавий услубда пиво шарбатини тайёрлаш технологияси.
10. Виноларни барқарорлигини оширишнинг замонавий услублари.
11. Мини технологик тизимлар.
12. Замонавий технологияларни ўрганиш ва таққослаш.
13. Янги инновацион технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши.

VII. ГЛОССАРИЙ
«Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари»
модули бўйича

№	Ўзбекча	Русча	Инглизча	Маъноси Ўзбек ва рус тилида
1	Вино	Вино	wine	Узум шарбатини бижғитиш йули билан олинган ичимлик
2	Виноматериал	Виноматериал	wine material	Узум шарбатини бижғитиш йули билан олинган ярим тайёр маҳсулот
3	Энолог	Энолог	enologist	Виноларни ўрганадиган мутахассис
4	Узум	Виноград	grapes	Виночиликдаги асосий хом-ашё
5	Узумчилик	Виноградарство	viticulture	Қишлоқ хужалиги бўлими
6	Узум нави	Сорт винограда	grade of grapes	Узумларни бир-биридан фарқлаш бирлиги
7	Оқим шарбати	Суслосамотек	a must-own course	Стекателда олинган сусло
8	Босим фракцияси	Прессовые фракции	the press fraction	Босим остида олинадиган сусло
9	Узум турпи	Выжимки	husks	Виночилик саноатини асосий чиқиндиси
10	Узум банди	Гребни	combs	Виночилик саноати чиқиндилиаридан бири

11	Мезга	Мезга	pulp	Майдаланган узум
12	Майдалаш	Дробление	crushing	Узумдан сусло олиш учун уни янчиш
13	Узумни қайта ишлаш	Переработка винограда	grape processing	Виночилик асосий бўлаги
14	Сусло	Сусло	must	Узум шарбати
15	Бижғиш	Брожение	fermentation	глюкозани ачитқилар таъсирида спиртга айланиши
16	Спирт миқдори	Содержание спирта	alcoholic content	виноларни қувватини белгилайдиган кўрсатгич
17	Спиртли ферментация	Спиртовая ферментация	alcoholic fermentation	спиртли бижғиш
18	Ачитқи	Дрожжи	yeast	бижғиш жараёнида ишлатиладиган микроорганизмлар
19	Фильтрация	Фильтрация	filtration	виноларни тиниқлаштириш
20	Хурушлаш	Оклейка	pasting	виноларни барқарорлигини ошириш
21	Қайта хайдаш	Перегонка	distillation	вино таркибидаги спиртларни ажратиш усули
22	Эман бочка	Дубовая бочка	oak barrel	конъяк спиртларини сақлаш учун ёғоч сифим
23	Саклаш	Выдержка	excerpt	виноларни етилтириш

24	Винони етилиши	Созревание вина	maturation of wine	виноларни сифатини ошириш учун сақлаш
25	Бирламчи виночилик	Первичное виноделие	primary winemaking	узумни қайта ишлеш
26	Виночилик саноати	Винодельческая промышленность	the wine industry	узумдан спиртли маҳсулот ишлаб чиқариш
27	баркарорлик	Стабильность	stabilitiy	винони барқарорлиги
28	совуқлик билан ишлов	обработка холодом	cold processing	кристаллик лойикаланишларга карши утказиладиган ишлов
29	иссиқлик билан ишлов	обработка теплом	heat processing	еттилтириш жараёнларини тезлаштирадиган ишлов
30	Пиво	Пиво	beer	кам алкоголли чанқовбосди ичимлик
31	Пиво шарбати	Пивное сусло	beer wort	фильтр чандан олинадиган қандли суюқлик
32	Арпа	Ячмень	barley	пиво тайёрлаш учун асосий хомашё
33	Солод	Солод	malt	ундириб қуритилга арпа
34	донни бўктириш	Замачивание зерна	soak grains	арпани намлигин ошириш
35	Солодни ундириш	Проращивание солода	sprouting malt	арпа таркибидаги ферментларни активлигини ошириш

36	Солодни куритиш	Сушка солода	drying of malt	ундирилган арпани намлигини пасайтириш
37	Затор торттириш	Затирание	mashing	крахмални парчалаш жараёнида иссиқлик ишловини бериш
38	Солодни майдалаш	Дробление солода	crushing the malt	затор тайёрлаш учун солодни майда бўлакларга бўлиш
39	Пишириш	Варка	cooking	бошлангич шарбат таркибини белгилаш учун қайнатиш
40	Кулмоқ	Хмель	hop	пивога тахирлик ва маҳсус таъм берадиган хом-ашё
41	Ачитқи расаси	Раса дрожжей	race yeast	бир туркумга оид микроорганизмлар тури
42	Лупулин	Лупулин	lupulin	кулмоқни уруғи
43	Эфир мойлари	Эфирные масла	essential oils	кулмоқ таркибидаги ҳид. Таъм берувчи моддаларни бир гурухи
44	Оч солод	Светлый солод	light malt	оч пиво ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган солод
45	Тўқ солод	Темный солод	dark malt	тўқ пиво ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган солод

46	Карамель солод	Карамельный солод	caramel malt	ўта тўқ солод
47	Ферментлар	Ферменты	enzymes	оксил табиатли биологик катализаторлар
48	Клейстерлаш	Клейстеризация	gelatinization	крахмални эриган холатга ўтказиш
49	Оқсилли пауза	Белковая пауза	protein pause	оқсилларни парчалаш учун қилинадиган пауза
50	Мальтозали пауза	Мальтозная пауза	maltose pause	бижфийдиган қандларни миқдорини белгилаш учун пауза
51	Қандлаштириш	Осахаривание	saccharification	крахмални бижфийдиган қандларгача гидролизлаш
52	Йодли намуна	Йодная проба	iodine test	крахмални парчаланишини назорат қилиш усули
53	Солод бўлмаган материал	Несоложеный материал	unmalted material	пиво тайёрлашдаги қўшимча хомашёлар
54	Затор	Затор	congestion	Майдаланган солод ва сув аралашмаси
55	Экстрактив моддалар	Экстрактивные вещества	extractive substances	Пиво шарбати таркибидаги қуруқ моддалар
56	Дробина	Дробина	pellet	Пиво ишлаб чиқариш саноати чиқиндиси
57	Коагуляция	Коагуляция	coagulation	Моддаларни ўлчамини катталашиб

				чүкиши
58	Денатурация	Денатурация	denaturation	Оқсилларни натив холатини йуқолиши
59	Спирт	Спирт	alcohol	этанол
60	Спиртли сусло	Спиртовое сусло	alcohol must	спирт қушиб тайёрланган сусло
61	Спирт ачитқилари	Спиртовые дрожжи	alcohol yeast	бижғитишда ишлатиладиган микроорганизмлар
62	Озиқ-овқат спирти	Пищевой спирт	food alcohol	Озиқ-овқат махсулотлари тайёрлаш учун ишлатиладиган алкоголь
63	Қайта хайдаш	Перегонка	distillation	Енгил учувчан моддаларни ажратиш усули
64	Ректификация	Ректификация	rectification	Спирни йулдош моддалардан тозалаш
65	Брагоректификация	Брагоректификация	bragorectification	Бражкадан тұғридан-тұғри спирт олиш технологияси
66	Абсолют спирт	Абсолютный спирт	dehydrated alcohol	Спирт ўлчаш курсаткичи
67	Таркибида крахмал бўлган хомашё	Крахмалсодер жащее сырье	starchy raw materials	Спирт ишлаб чиқаришда донли хом-ашёлар
68	Таркибида қанд бўлган хомашё	Сахарсодержащее сырье	sugar-containing raw materials	Спирт ишлаб чиқаришда қандли хом-ашёлар

69	Меласса	Меласса	molasses	Шакар ишлаб чиқариш чиқиндиси
70	Техник спирт	Технический спирт	technical alcohol	Целюлозадан олинган спирт
71	Донли хом-ашё	Зерновое сырье	grain raw materials	Таркибида крахмал бўлган хом-ашё
72	Амилолитик ферментлар	Амилолитические ферменты	Amilolitik enzymes	Крахмални гидролизловчи ферментлар
73	Спиртларни денатурациялаш	Денатурация спиртов	Denaturation of spirits	Спиртларга куланса хид берувчи моддаларни кушиш
74	Альбумин	Альбумин	Albumin	Сувда эрийдиган оқсиллар
75	Глобулин	Глобулин	Globulin	Тузли эритмада эрийдиган оқсиллар
76	Эфир-альдегидли фракция	Эфиро-альдегидная фракция	Ether-aldehyde fraction	Спиртни ректификациялашда олинадиган бош фракция
77	Ачитма	Бражка	brew	Суслани бижғитишдан сўнг ҳосил бўладиган спиртли суюқлик
78	Барда	Барда	grains	Ачитмадан спиртларни ажратишда ҳосил бўладиган чиқинди
79	Дефлегматор	Дефлегматор	reflux condenser	Сув-спиртли буғни кис ман конденсацияловчи аппарат
80	Лютер суви	Лютерная вода	Lyuterna water	Хом спиртдан спиртни ажратишда

				хосил бўладиган сув
81	Контактли мослама	Контактная головка		Сув-буғдой уни аралашмасини қиздирувчи мослама
82	Ўткир буғ	Острый пар	Live steam	Сувна қайнатишида хосил бўладиган босимли буғ
83	Амилоза	Амилоза	amylose	Крахмал молекуласини чизиқли қисми
84	Амилопектин	Амилопектин	Amylopectin	Крахмал молекуласини тармоқланган қисми
85	Меланоидинлар	Меланоидины	melanoidins	Аминокислоталарни қандли моддалар билан киздиришида хосил буладиган моддалар
86	Карамелизация	Карамелизация	caramelization	Қандли моддаларни куйишида хосил буладиган моддалар
87	Крахмални суюлтириш	Разжижение крахмала	starch liquefaction	Крахмални суюк эриган холатига ўтказиш
88	Протеолитик ферментлар	Протеолитические ферменты	proteolytic enzymes	Оксилли моддаларни гидролизловчи ферментлар
89	Антисептик моддалар	Антисептические вещества	Antiseptic agents	Микроорганизмларни ўлдириш учун ишлатиладиган моддалар
90	Шартли крахмал	Условный крахмал	Conventional starch	Дон таркибидаги крахмал билан

				бижғийдиган углеводларни миқдори
91	Ачитки хужайраси	дрожжевая клетка	yeast cell	бижғитувчи микроорганизмлар
92	Қобик	оболочка	shell	донли махсулотларни ташқи қавати
93	Цитоплазматика мембрана	цитоплазматическая мембрана	cytoplasmic membrane	хужайранинг танлаб ўтказувчи юзаси
94	Ядро	ядро	core	хужайраларда информация сақлаш аъзоси
95	Митохондриялар	митохондрии	mitochondria	Ачитки хужайрасининг органоидлар
96	Рибосомалар	рибосомы	ribosome	Ачитки хужайрасининг органоидлар
97	Пастеризация	Пастеризация	pasteurization	Кисқа муддатли стерилизациялаш
98	Индикатор	индикатор	indicator	реакция мухитини аниқлаш учун ишлатиладиган реагент
99	Дезинфекцияловчи моддалар	дезинфицирующие вещества	disinfectants	бегона микроорганизмларни йўқотувчи моддалар
100	Ювиш моддалари	моющие вещества	detergents	идишларни тозалашда ишлатиладиган синтетик моддалар

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

Асосий адабиётлар

1. R Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering, , Fifth Edition. 2005
2. Ковалевский К.А., Ксенжук Н.И., Слезко Г.Ф. Технология и техника виноделия: Учебное пособие. – Киев: Фирма «ИНКОС», 2004. – 560 с.
3. Валуйко Г.Г. Технология виноградных вин: Учебник. - Симферополь: Таврида, 2001. – 623 с.
4. Яровенко В.Л., Мариченко В.А., Смирнов В.А. и др. Технология спирта: Учебник. - М.: Колос, “Колос-пресс”, 2002
5. Кунце В. Технология солода и пива: Пособие-справочник. – СПб., изд. Профессия, 2001, 912 с.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрг тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови 48 б, Т. “Ўзбекистон”, 2017 йил
2. Кишковский З.Н. Технология вина: Учебник. - М.: Легкая и пищевая промышленность. 1984.-504 с.
3. Абдуразакова С.Х. Совершенствование технологии бродильных производств на биокатализитической основе. Ташкент. 1990 г.
4. Гержикова В.Г. Методы технохимического контроля в виноделии. Учебник. – Симферополь. Таврида – 2002. – 260 с.
5. Мальцев П.М. и др. Химико-технологический контроль производства пива и солода: Учебник. - М. ЛПП. 1976.- 448 с.

Электрон таълим ресурслари

1. <https://www.scholar.google.com>
2. <https://www.researchgate.net>
3. <https://www.sciencedirect.com>
4. <https://webofknowledge.com>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.

7. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
8. ЎзРОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
9. Тошкент ахборот технологиялари университети: www.tuit.uz.
10. www.Ziyonet.uz
11. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz